

**REPUBLIC OF UZBEKISTAN MINISTRY OF HIGHER AND
SECONDARY SPECIAL EDUCATION
ANDIZHAN STATE UNIVERSITY**

THE DEPARTMENT OF ENGLISH PHONETICS AND LEXICOLOGY

**QUALIFICATION WORK ON SPECIALITY OF
ENGLISH PHILOLOGY AND LITERATURE**

ON THE THEME:

“Transformation method in lexicology”

**Done by student of the
4th year OtaboyevaG.
Scientific supervisor:
Dots. Vositov V.**



Graduation paper has been passed preliminary defense.

Protocol № _____ 2014

Andizhan 2015

Мундарижа:

Кириш.....	2-6
-------------------	------------

I БОБ. ЛИНГВИСТИК ТАСНИФ МЕТОДЛАРИ.

1.1. Қиёсий тарихий методни пайдо бўлиши	7-19
1.2. Лексикологияда қиёсий –тарихий метод.....	20-31

II БОБ. ЛЕКСИКОЛОГИЯДА ТРАНСФОРМАЦИОН МЕТОД ВА ТРАНСФОРМАЦИЯ ТУРЛАРИ.

2.1. Дистрибутив таҳлил метод.....	32-49
2.2. Бевосита иштирокчиларга ажратиш методи	50-54

III БОБ. ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ТРАНСФОРМАЦИОН МЕТОДНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ.

3.1. Трансформацион методни ўқитиш бўйича тавсиялар.....	55-66
3.2. Трансформацион методни ўқитишга доир машқлар тизими.....	67-71

Хулоса	72-73
---------------------	--------------

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	74-76
---	--------------

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мутақиллигининг дастлабки йиллариданоқ, чет тилларни ўргатиш, чет тиллар таълим мазмуни-моҳиятига эътибор кучайди. Чет тиллар ўқитиш тизмини тубдан ислоҳ этишга киришилди. Чунки юксак интеллектуал салоҳиятига эга, юксак маънавиятли, бир нечта чет тилларини мулоқот қила олиш даражасида эгаллаган, компьютер технологиялардан мақсадли фойдалана оладиган, соҳа мутахассислари ва ходимларни жаҳон андозалари даражасида тайёрлаш Ўзбекистон порлоқ келажагининг муҳим шартига айланди. Чет тилларни пухта эгаллаш, улар орқали оғзаки ва ёзма мулоқотни юритиш эҳтиёжга айланди. Чунки мустақиллик йилларида Ўзбекистон халқаро ҳамжамият томонидан суверен ва мустақил давлат сифатида тан олинди. Юздан зиёд давлат элчиҳоналари, йирик халқаро ташкилот ва корхоналар очилди ва ҳозирда уларнинг сони кун сайин ортиб бормоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида глобал ижтимоий, иқтисодий, табиий муаммолар муҳокамаси ва уларнинг ижобий ечимини топиш борасида фаоллик кўрсатмоқда. Бундан Ўзбекистон ташқари халқаро, маданий-маърифий, спорт анжуманларида, илмий-амалий конференцияларда фаол иштирок этмоқда. Бундай ҳамкорликлар натижаси улароқ қатор саноат корхоналари барпо этилди, модернизация қилинди ва ялпи ички маҳсулот ўртача 8.2%га ўсишига эришилди. Бюджет маблағларининг қарийиб 60% и ижтимоий, шунингдек таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларига ажратилаётгани бугунги кунда узлуксиз таълим, соғлом авлод мамлакат келажаги учун нақадар муҳим эканлигидан далолат беради [2.45].

Бугунги глобаллашув давридаги тараққиёт ва фаровонликни ҳамкорликсиз тасаввур қилиш мушқўл. Ҳамкорлик эса тил воситасида, оғзаки ва ёзма шакиллари орқали бевосита ёки билвосита тарзда амалга ошириш сир эмас.

Тилсиз инсонлараро мулоқотнинг кечиши қанчалик қийинлигини, кар-соқовлар билан алоқага киришган инсонлар яхши билади.

Халқаро миқёсидаги ҳамкорлик, мулоқотлар орқали янги ва энг сўнгги билимлар, хабарлар, тажрибалар, илм-фан ютуқларидан баҳраманд бўлинади. Мулоқот орқали шу каби ютуқлар оммалаштирилади.

Халқаро туризм ривожланган бугунги кунда ўзбек сайёҳларининг ҳам сонини ошиб боришига туртки бўлмоқда. Туризмнинг ҳам бир ёки бир неча халқ ва миллатлар билан уларнинг тилида алоқага киришишни тақозо этади.

Юқоридагилардан чет тилларни пухта эгаллаш нафақат шахс, балки мамлакат ва дунё таракқиёти учун ҳам муҳим эканлигини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистонда таълимнинг ўзбек модели амал қилмоқда. Унга кўра узлуксиз таълимнинг барча босқичларида чет тиллар ўргатиш тизими йўлга қўйилган. Халқимиз орасида “тил билган эл билади” деган нақлни кенг ёйилгани ҳам бежиз эмас. Бу масала шу кунга келиб давлат аҳамиятига молик масала даражасига етди. Бунинг ёрқин мисоли сифатида мамлакатимиз президенти И.А. Каримовнинг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875 “Чет тиллари ўргатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорини эслатиб ўтиш лозим [1. 240].

Қарордан кўзланган асосий мақсад замонавий-педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан, ўсиб келаётган ёки авлодни чет тилларига ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизimini тубдан такомиллаштириш, бунинг негизида, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратишдан иборат бўлди.

“Чет тиллари ўргатиш тизимини янада такомиллаштириш” чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорини 2013/2014 ўқув йилидан бошлаб руёбга чиқариш белгилаб берилди. Чет тилларни, хусусан инглиз тилини, ўргатиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан ўйин тарзидаги дарслар ва оғзаки нутқ дарслари шаклида, иккинчи синфдан бошлаб, ўқиш ва

грамматикани ўзлаштиришдан босқичма-босқич бошлаш, Республикамизнинг барча ҳудудларидаги умумтаълим мактабларида қуйи синфлар учун инглиз тили ўқитишда махсус хоналар ташкил этилди. Мультимедияли “Kids English” номли услубий қўлланма нашр этилди. Бошлангич синф чет тил ўқитувчилари махсус малака ошириш кўрсларини ўтказилди.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида чет тил ўқитувчилари тили ўргатганилаётган мамлакатлар Буюк Британия, Франция, Германия, Ҳиндистонда чет тиллар ўқитишнинг замонавий педагогик технологиялари бўйича тажриба алмашиш ва малака ошириш учун юборилди ва юборилмоқда.

Мустақиллик миллий тилларни ривожига ҳам кенг йўл очиб берди. Советлар империяси даврида лингвистик тадқиқодлар, миллий тилларни тадқиқ этиш рус тили қолипи асосида амалга оширилган еди [2. 48].

Бу лингвистик тадқиқодларни сунъийлаштиришга олиб келди. Миллий тилларнинг ўзига хос хусусиятларини, ўзига хос қонуниятларини сохталаштиришга олиб келди. Таржима асарлари рус тили орқали амалга оширилди. Бунда матн, тил бирликлари ўзлигини тўлиқ намоён эта олмади. Мустақиллик ана шуларнинг барчасига барҳам берди [1.74].

Чет тилларини самарали ўргатиш усулларида бири она тилига асосланган ҳолда ўргатишга ўтилди. Бу чоғиштира тилшунослик ривожига ҳам асосий туртки бўлди. Тил бирликларини қиёслаб ўргатиш ва ўрганиш тиллараро ўхшаш ва фарқли жиҳатларни аниқлаш имкониятини яратади. Тил ўрганувчилар юқоридаги жиҳатлардан бохабар бўлиши, типли хатоликларни олдини олиш, тилни тез ва осон ўрганишга имкон беради.

Мавзунинг долзарблиги. Изланишнинг долзарблиги қилиб, асосан, қуйидаги ечимларни ифодалаш талаб этилади: Биринчидан, инглиз ва ўзбек тилларида трансформацион методнинг етарли даражада ўрганилмаганлиги. Иккинчидан, қиёсланаётган тилларда трансформацион методнинг ўзига хос

хусусиятларини ўрганиб чиқилмаганлиги. учинчидан, ушбу тилларда трансформацион методнинг қиёсий таҳлили тўлоқонли кузатилмаганлиги.

Ишнинг мақсади асосан Лексикологиядаги трансформацион методни қиёсий таҳлил қилиш ва уни ўқитиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Изланишнинг вазифалари. Изланишнинг вазифаси қилиб қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- 1) қиёсланаётган тилларда трансформацион методларни кўриб чиқиш.
- 2) ушбу тилларда трансформацион методнинг ишлатилишини аниқлаш.
- 3) тилшуносликда ушбу мавзунинг ўрганилганлик даражасини аниқлаш.

Изланишнинг объекти ва предмети. Трансформацион метод ва уни юзага келишидаги омиллар, трансформацион воситалар ишнинг объектини ташкил қилади.

Ишнинг **предмети** эса трансформацион методнинг лисоний табиатини ўрганиш ва очишдан иборат.

Изланишнинг материали сифатида инглиз ва ўзбек ёзувчиларининг ижод намуналаридан публицистик ва таржима асарларидан олинган ҳамда таҳлил қилинган трансформацияга доир мисоллар ва назарий маълумотлар ташкил этади.

Изланишнинг таҳлил методлари. Изланиш давомида трансформацион, дистрибутив, қиёслаш, матн таҳлили методи, индуктив ва дедуктив ва бошқа методлардан фойдаланилди.

Изланишнинг методологияси. Изланишнинг назарий ва умумий методологик асосини Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримовнинг “Таълим тўғрисида” Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳамда “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори орқали белгиланган вазифалар, фан ва техникани ривожлантиришга доир меъёрий ҳужжатлар, ҳамда соҳанинг етук олимларининг олиб борган илмий ишлари, шунингдек Ж.Бўронов, С.Р.

Раҳимов, А.С. Содиқов ва бошқаларнинг ишлари ушбу тадқиқот учун назарий асос қилиб олинди.

Изланишнинг илмий ва амалий қиймати. Изланишнинг назарий аҳамияти шундаки, унда трансформацион метод ва уни қиёсланаётган тилларда ўзига хос томонлари ёритилди.

Изланишнинг натижалари, асосан, инглиз ва ўзбек тилларида қиёсий ва типологик кўрсларни ўқитишда, умумий тилшуносликда, назарий ва амалий таржимада, чет тилларини ўқитиш дарсларида қўлланилиши мумкин.

Изланишнинг тузилиши. Изланиш, асосан, кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Биринчи боб “Лингвистик методлари” деб номланиб унда тилни тадқиқ этишдаги замонавий методлар ва уни юзага келиши ҳақида фикр юритилади.

Изланишнинг **иккинчи** бобида Лексикологияда трансформацион метод ва трансформация турлари ҳақида гап боради.

Учинчи бобда трансформацион методни таълим муассасаларида ўқитиш бўйича тавсиялар берилади.

I БОБ

ЛИНГВИСТИК ТАСНИФ МЕТОДЛАРИ

1.1. Қиёсий тарихий методни пайдо бўлиши.

Ф. де Соссюр тилни белгилар системаси деб ҳисоблагани ҳолда, тилшуносликни семиология (ҳозирги семиотика) фанлари таркибига киришини таъкидлайди [5. 68]. У ўзигача бўлган олимларнинг белги деганда фақат акустик образни тушунганларига танкидий ёндашади ва белги ифодаловчи ва ифодаланмиш муносабатидан ташкил топган бутунлик эканлигини кўрсатади.

Лингвистик белги бошқа белгилардан ифодаловчи ва ифодаланмиш ўртасидаги муносабатнинг эркинлиги ва ифодаловчи томоннинг кетма-кетлиги билан фаркланишини баён қилади.

Л.С.Бархударов трансформацион лингвистикани ҳам ўз ичига олган генератив лингвистикани структур лингвистикадан фарклаган ҳолда, уни тилшуносликнинг структур лингвистикадан кейинги босқичи деб ҳисоблайди [8. 96].

У тилшунослик тарихини оламни билишнинг диалект назарияси белгилаб берган уч босқичнинг кайсисига таяниб иш кўриши белгисига кўра уч босқичга, уч грамматик назаримш бўлади: а) анъанавий, б) структур, в) генератив лингвистика.

Л.С.Бархударовнинг фикрига кўра, юқоридаги уч тилшунослик билишнинг уч босқичига асосланади. Диалектик фалсафа билишнинг бевосита кузатиш, анализ ва синтез босқичларини эътироф этади. Анъанавий тилшунослик билишниш биринчи босқичига, структур тилшуносликнинг дескриптии йўналиши иккинчи босқичига, структур тилшуносликнинг глоссематика ва трансформацион лингвистика йўналиши эса синтез босқичига таянади.

Ўтган асрнинг 50-йилларида шаклланиб, ривожланиш босқичига ўтган структур тилшуносликнинг дескриптив мактаби анъанавий

тилшуносликнинг аниқ лингвистик тадқиқот тамойиллари йўқ эканлигини танқид қилган ҳолда, ўзларини олдига тилни ўрганишнинг формаллаштирилган таҳлил тизимини ишлаб чиқишни мақсад қилиб кўядилар. Ана шундай таҳлил асосида тадқиқотчи объектни ўрганишда ҳар қандай субъективликдан ҳоли бўлган объектив хулосага келиши мумкинлигини таъкидладилар. Лекин структур тилшуносликнинг глоссематика йуналишида субстанцияни формадан ажратилиши шу даражага етдики, натижада форма узининг субстанциясидан ажралиб қолди [3. 82].

Бу эса структур тилшунослик бағридан янги йўналиш генератив лингвистиканинг усиб чиқишига олиб келди.

Генератив лингвистика Америка дескриптив лингвистики йуналишининг бевосита вориси саналади. Дескриптив ёзувга эга бўлмаган этнослар тилини ўрганишда муваффақиятларга эришган бўлса ҳам, лекин уларнинг методологиясида ожизлик мавжуд эди.

Дескриптив лингвистиканинг фалсафий асоси бихевиоризм ҳисобланади. Бу фалсафий концепцияга мувофиқ барча жонзотлар каби, инсоннинг рухий фаолияти бизнинг кузатишимизга бериладиган ташқи ва ички стимулларга реакция қилиш йигиндисидан иборатдир. Тил ҳам инсон хулқининг бир шакли саналади. Бундай қараш лингвистик бирликларни методдан ташқарида ўрганишга олиб келди.

II. Блумфилднинг тилни таҳлил этишдаги муҳим тамойилларидан бири тавсифни формаллаштиришдир. Унинг фикрича, тилнинг фақат шаклий томонигина илмий тавсиф ва тасниф объекта бўлиши мумкин. Методни эса фан терминлари билан аниқ тавсифлаб бўлмайди. Жумладан, морфемаларнинг тўлиқ тавсифини бериш мумкин, лекин унинг методсини тавсифлаш мумкин эмас. Бунинг асоси сифатида ҳар бир методнинг конкрет вазият билан боғлиқ эканлигини: метод - бу «сўзловчи вазияти - нутқ - тингловчи реакцияси» эканлигини кўрсатган ҳолда, ҳар бир лингвистик шаклнинг аниқ методсини бериш учун сўзловчи оламини тулик билиш керак

бўлиши, лингвистнинг билими ундан чекланган экан, у методни ўрганишни ўзининг тадқиқот объектига кирита олмаслигини баён қилади [8.95].

Кўринадики, Л. Блумфилд амалда конкрет вазият билан боғлиқ бўлган жумла мазмуни билан тил бирлиги методсини кориштиради.

Тил бирликларининг методси деганда дескриптив тилшунослик тарафдорлари шу тил бирликлари қўлланилаётган экстралингвистик вазиятни тушунадилар. Методни бундай тушуниш, табиий равишда дескриптивчиларни унга экстралингвистик восита сифатида қарашга олиб келди [9.28].

Бихевиористлар томонидан йўл кўйилган бундай камчиликларни бартараф қилиш ҳаракати туфайли янги йўналиш - трансформацион йўналиш майдонга келди.

Трансформацион лингвистикага Н. Хомский узининг 1957 йилда эълон қилган «Синтактик структуралар» асари билан асос солди. Л.С.Бархударовнинг таъкидлашича, бу йўналишнинг майдонга келиши грамматик назарияни янги босқичга, илмий билишнинг учинчи босқичи бўлган синтез босқичига олиб чиқди [10. 36].

Белгининг эркинлик хусусиятини изоҳлар экан, унинг «ўзгарувчанлик ва ўзгармаслик» антиномиясини белгининг эркинлиги тамойилининг амал қилиш оқибати деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, белгининг узида эркинлик ва мажбурийлик антиномияси амал қилади. Бир томондан, узи ифодалаган тушунчага нисбатан ифодаловчи эркин бўлса, иккинчи томондан, бу белгилардан фойдаланувчи тил жамоаси учун ифодаловчи мажбурийдир. Чунки тил олдинги даврнинг мероси сифатида кейинги авлодларга ўтади. Айни пайтда тилнинг ифодаловчи томони даврлар ўтиши билан муайян ўзгаришга учрайди. Белгининг замонда узлуксизлиги ва ўзгарувчанлиги хусусий семиология тамойилидир.

Ана шундан келиб чиққан ҳолда Ф. де Соссюр тилда синхрония ва диахрония антиномияси амал қилишини таъкидлади. Бунга мувофиқ, синхрония билан диахрония кесишиш нуқталарига эга. Ҳар қандай синхрон

ҳолат узлуксиз ўзгаришда бўлган диахрониянинг муайян бир даврдаги ҳолатидир [7.85].

Шундай бўлишига қарамасдан, системавий-структур тилшунослик у ёки бу тил системасини изоҳлар экан, унинг статика, синхрон ҳолатига эътиборни қаратди.

Америка дескриптив тилшунослик вакиллари нутқий элементларни маълум синфларга бирлаштиришни узларининг бош мақсади, деб ҳисобладилар. Ана шу мақсадни амалга ошириш учун дистрибутив методни ишлаб чиқдилар.

Нутқий парчаларни аниқлаштиришнинг формал таъомилларини белгилаш уларнинг асосий эътиборида бўлди. Тил бирликлари системаси эса уларнинг назаридан четда қолди.

Европа структуралистлари эса, айниқса, ўзларининг асосий эътиборини тил бирликлари уртасидаги муносабатларни очишга қаратдилар. Натижада улар лингвистик бирликлар ўртасидаги зидланишларни (оппозицияларни) тушунчасини очишга эътибор бердилар ва оппозитив методни ишлаб чиқдилар. Структур таҳлилнинг бу методи тилнинг статик системасини аниқ изоҳлаб беришга қулай имконият яратди.

Тилни тадқиқ қилиш методикаси қандай хилма-хил бўлмасин, структурализмнинг «классик» мактаби вакиллари тилни статик аспектидан ташқарига чиқмадилар.

Гарчи структурализм тилнинг синхрон ҳолатини тасниф этишда жуда катта муваффақиятга эришган бўлса ҳам, лекин тилнинг динамик томонини ўрганишни назардан қочирдилар.

Тил оддийгина белгилар системаси эмас, балки маълум вазифа бажаришга хосланган системадир. Шундай экан, лингвистик бирликларнинг нутада реаллашиш қоидалари ва бу бирликларнинг нутқий жараёнда турли ўзгаришларга учрашини ўрганиш ҳам тилшуносликнинг бир аспектидир. Ана шу аспектни ўрганиш динамик лингвистиканинг вазифасига киради. Шунинг таъкидлаш жоизки, тилда таксономик муносабатлардан ташқари, унга

тамомила тескари бўлган ўзгариш, ҳосил бўлиш муносабати ҳам борки, иккинчи муносабатни гоҳ трансформация муносабати, гоҳ, муносабати деб юритилмоқда.

Хусусан Л.Н.Мурзин синтактик бирликлар ўзгаришини ҳам, ясалишини ҳам синтактик, атамаси остида ўрганса, н. Храковский хар икки ходисани синтактик трансформация атамаси остида ўрганади [9. 286].

Л.Н.Мурзин компрессиянинг асосий тури ва контаминациянинг асосий жараёни деб ҳисоблайди. Л.Н. Мурзиннинг фикрига кўра, оддий гапдан мураккаб, ноэлементар гапларни ҳосил қилишнинг асосий йули контаминация бўлиб, унинг асосий жараёни саналади. Унинг мохияти шундан иборатки, тайёр гапларнинг ўзаро муносабати янги гапнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Бу жараён чегарасиз характерга эга бўлиб, хар бир ясама гап, ўз навбатида, кейинги гап учун яшашга асос ролини уйнайди. Уни схематик равишда куйидагича ифодалаш мумкин:

3.С. Хэррис томонидан тавсия қилинган эди.

Унинг фикрига кўра, трансформацион таҳлил (ТТ) бевосита иштирокчилар (БИ) методи дуч келган мураккабликларнинг бир қанчасини бартараф қилишига ёрдам беради.

3.С.Хэррис томонидан тавсия этилган ТМ унинг шогирди Н.Хомский томонидан ривожлантирилди.

ТМга мувофик, хар қандай тилнинг синтактик системасини ядро гаплар номи билан юритилувчи энг кичик (элементар) гап типлари йигиндиси сифатида гавдалантириши мумкин. Ядро гаплар деб содда, йигик, дарак гап тушунилади. Феъл кесимли гап бўлса, кесими аниқ нисбатда туради. Бу энг кичик гаплар хдр бир тилнинг синтактик системасининг асосини ташкил қилади.

Ядро гаплардан турли шаклий ўзгаришлар асосида асосий методси сақланган ҳолда иккиламчи синтактик қурилмаларнинг ҳосил қилиниши трансформация ҳисобланади.

ТМ учун ядро гап трансформация қоидаси ва ҳосила гап тушунчалари муҳим саналади. Ядро гап яъни трансформация учун асос бўлган гап операнд, ҳосила гап трансформ ёки трансформанд, операнддан трансформандни ҳосил қилувчи воситани трансформация оператори деб юритилади.

3.Хэрриснинг фикрига кўра, трансформация бир гапнинг иккинчи гап шаклига шундай ўзгартиришки, унда асос гап ҳосила гап билан ҳам лексемалар таркиби, ҳам методси нуқтаи назардан бир хиллик мавжуд бўлади. Демак мазмуний мундарижа, уларнинг фикрича, трансформандлар учун инвариант саналади.

Кўринадики, ТМ асосчилари трансформация деганда, фақат синтактик сатҳнинг асосий бирлиги бўлган гапнинг турли хил шаклий ўзгаришларини тушунди. Трансформация қоидалари ҳам ана шу синтактик сатҳ бирликлари асосида белгиланди.

Шу билан биргаликда трансформация билан, дифференциация қилинмади., ҳам трансформация таркибида ўрганилди.

Бу эса кейинчалик ТМ га танкидий ёндашувга олиб келди. ТМ га илк бор С.Д.Кацнельсон танкидий баҳо берди ва трансформация билан фарқлаш лозимлигини кўрсатди. В.С.Хроковский С.Д.Кацнельсон ғоясини давом эттирди ва бу икки ҳодисани ўзаро фарқлашга ҳаракат қилди.

Дарҳақиқат, ТМ трансформация моделларини ишлаб чиқар экан, унинг таркибидаги айрим моделлар трансформацияга хос белгини ифодаламайди. Трансформанд билан операнд уртасида мотивация муносабати бўлса ҳам, лекин ҳосила гап трансформанд моҳиятини ўзгартириб юборади.

Хусусан, трансформациянинг номинализация моделида операнд предикативлик белгисига эга бўлиб, гап мақомида бўлса, трансформанд деб қаралаётган бирлик гап учун энг муҳим бўлган предикативлик белгисини йўқотади.

Демак, операнднинг мақоми, моҳияти ўзгаради. Ана шундай белги асосида В.С.Хроковский трансформация билан фарқлашга ҳаракат қилди.

Унинг фикрича, синтактик, ҳосила гапнинг асос гапдан грамматик макоми ва мазмуни жихатидан фарк қиладиган шаклий ўзгаришидир.

Тилнинг статик ҳолати ва динамик ўзгаришлар

Контаминация жараёни чегарасиз бўлса хдм, у дискретлик белгисига эга. У алоҳида қадам ёки цикл сингари босқичма-босқич амалга ошади. Контаминациянинг ҳар бир қадами нисбий мустақиллик ва тугаллик касб этади. Шунинг учун уни деривацион бирлик сифатида эътироф этиш мумкин.

Контанимация кадамнинг асосий компонентлари 1) асос (берилган) гап ва 2) ҳосила гаплардан иборат бўлади. Унинг фикрича, тилнинг динамик аспекта амалий ва назарий жихатдан муҳим бўлган масалани - гап билан тилдан ташқаридаги вазият ўртасидаги муносабат муаммосини ўртага қўяди: назарий жихатдан ана шундай муносабатнинг тўрт турини ажратиш мумкин: 1) нол муносабат, яъни мосликнинг йуклиги. 2) тўла мослик. 3) қисман мослик. 4) ўта тўлиқ, мослик.

Биринчи муносабат Л. Шчербанинг «Глокая куздра» каби мазмунсиз ифодаларда кўринади. Булар сунъий гаплар бўлиб, коммуникатив қиммати нолга тенг бўлади. Бундай гапларнинг мавжуд бўлиши имкониятнинг тил системасини конкрет комуникатив мақсаддан нисбий мустақил эканлигини исботлайди. Тадқиқотнинг дескриптив методикасидаги тилга имманент ёндашув ана шу фактга асослангандир. Лекин тил жамоаси орасида объектив олам ҳақидаги онгда ҳосил бўлган умумлашган образни ифодалашда ифодаловчи ва ифодаланмиш муносабати ҳам муҳим ҳисобланади. Анъанавий тилшунослик кўпроқ гап таркибидаги бўлақлар вазиятнинг айрим «компонентлари»ни бир-бирига мос ҳолда ифодалайди, деб қаради. Лекин боғлиқ матндаги реал гаплар тахлили шуни кўрсатдики, бу икки томоннинг мослиги кўп ҳолларда бузилади. Баъзан улар ўртасидаги муносабатда нотулиқлик ёки ута тулиқлик кузатилади. Биринчи ҳолатни ахборот нуқтаи назардан бузилганлик (ушербний), иккинчи ҳолатни эса ортиқчалик деб баҳолайди. Муаллифнинг таъкидлашича бузилган матн ўз таркибида бир вақтнинг ўзида вазиятнинг бир неча қисмларига мувофиқ келувчи бўлақларга

эга бўлмайди. Аксинча, ортикчалик белгисига эга бўлган матнда вазиятнинг бир қисмига тенг келган бир неча бўлақлар мавжуд бўлади.

Ортиқчалик белгисига эга бўлган матн доимо қисқартиришга эҳтиёж сезади. Натижада компрессия ҳодисаси юзага чиқади. Шундай қилиб, матндан ортикчаликни йўқотиш компрессия саналади.

Лекин муаллиф матн таркибидаги ортикчаликни йўқотиш орқали гапни шаклий жиҳатдан ихчамлаштиришни синтактик, ҳисоблаб, трансформация билан қориштиради.

Тил бирликларининг ўзгариши унинг динамик ҳолати бўлиб, бу ҳолат статикага карама-қарши қўйилади. Динамик ва статик ҳолат ҳар қандай тилнинг яшаш ва ривожланиши шаклидир.

Шундай экан, тилнинг статик ҳолатини ўрганиш қанчалик муҳим бўлса, динамик ҳолатини ўрганиш ҳам шунчалик аҳамиятлидир.

Тил динамикаси, трансформация, транспозиция, конверция сингари ҳодисалар орқали юзага чиқади. III. Балли транспозиция атамаси остида лингвистик белгини бир категориядан иккинчи категорияга кўчиришни тушунади ва уни тилнинг воқеаланиш жараёнида катта рол ўйнашини таъкидлайди. Унинг фикрича, чегараланган лингвистик белгилар транспозиция орқали нуцнинг чексиз талабларини қондира олади, категориялараро алмашилиш орқали ифодаловчи бойийди ва турли мазмуний оттенкага эга бўлади.

Айрим муаллифлар траспозиция ҳам қамраб олишини таъкидлайдилар. Хусусан, Е. С. Кубриякова сўз сатҳида транспозициянинг энг муҳим шакли суффикслар ёрдамида сўз ясалиши эканлигини баён қилади. Шу билан бирга сўз ясалишининг бошқа турларида ҳам транспозиция мавжуд эканлигини кўрсатади. Муаллиф транспозициянининг бир усули деб ҳисоблайди. У, деганда тилдаги ҳар қандай иккиламчи белгининг ҳосил бўлиш жараёнини ёки ҳосил бўлиш натижасини тушунади. Унинг фикрича, тил системасмнинг барча микросистемаларини - сўз ясалиши, морфологик, синтактик системаларни қамраб олади.

Хусусан, сўз ясалишининг қуйидаги ўзига ҳос хусусиятларига эга бўлган тури сифатида қараш мумкин: бу иккиламчи белгиларнинг шундай ҳосил бўлиш жараёниги, унда иккиламчи белги бевосита номинатив мақсадида яратилади ва сўз доирасида чегараланади.

Ясалма яшашга асос билан мотивация муносабати билан боғланади ва бу муносабат сўз ясалиши каторида такрорланади. Ана шу такрорийлик мотивация муносабатини белгилашда хизмат қилади.

Муаллиф транспозицияни тилнинг барча сатҳлари учун ҳос ҳодиса эканлигини баён қилган ҳолда, морфологик транспозиция билан синтактик транспозицияни фарқлаш лозимлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, асос қисмининг морфологик қуршови бутунлай ўзгарса, морфологик транспозиция, асос қисмининг морфологик қуршови тўлиқ ўзгармаган ҳолда синтактик функцияси ўзгарса, синтактик транспозиция бўлади[5.68]. Субстантивация, адъективация сингари ҳодисалар синтактик транспозицияга киритилади. Морфологик транспозицияда эса асос қисм янги сўзнинг вақили, янги парадигманинг аъзоси саналади.

Е. С. Кубриякова конверсияни ҳам транспозициянинг бир тури деб баҳолайди. Унинг фикрича, сўз яшаш хусусиятига эга бўлган морфологик транспозиция конверсия ҳисобланади.

Айрим муаллифлар конверсияни семантик, каторига киритадилар. Г. Ш. Артикова, хақида фикр юритар экан, якин йилларгача, сўз ясалишигагина нисбат берилгани ва сўз ясалиши бир хил методда қўлланилганини баён қилади. Аслида сўз ясалишининг таркибий қисми эканлигини, сўз ясалишидан ташқари, сўзнинг шакл ясалиши, бирикма ясалиши, гап ясалиши, фразеологизм, бўғин ва ҳоказолар ясалиши ҳам, таркибига киришини таъкидлайди. Кўринадики, бу муаллиф ҳам сўз ясалиши билан сўзнинг шакл ясалишини бир умумий синфга таркибига бирлаштиради. Натижада сўз сатҳида, билан трансформация бир бири билан қориштирилади.

Азим Хожиев лексик, билан морфологик трансформацияни бири-бирдан фарқлар экан, қуйидагиларни ёзади: «Ўзбек тили грамматикаларида ҳозирга қадар ҳам сўз ясалиши ва форма ясалиши ҳодисаси морфология баҳсида бериб келинмоқда. Лекин сўз ясалиши тилшуносликнинг Лексикология, грамматика каби алоҳида бўлими экани ҳозирда тан олинган».

Сўз ясалиши ва форма ясалиши ҳодисаларнинг шу вақтга қадар морфология баҳсида ўрганилишига сабаб, бўларнинг ҳар иккисида морфема иштирок этишидир. Морфемика, сўз ясалиши ва форма ясалиши морфологик ҳодиса сифатида қаралиб, морфология баҳсида берилиши бу тил ҳодисаларининг ҳақиқий моҳиятини тўғри белгилашга ҳалал бериб, бир қатор ҳато ва қарама-қарши фикрларни келтириб чиқарди.

Бинобарин, бўларнинг ҳар бирини махсус бўлимлар сифатида ажратиш ва уларнинг ўзига ҳос хусусиятларини очиш тил ҳодисаларининг ҳақиқий моҳиятини тўғри ва осон англашга ёрдам беради».

Муаллифлик аффиксининг от ясовчилик хусусияти ҳақида фикр юритар экан, унинг полисемантик табиатига эътиборни қаратади.

Хусусан, яхшилик, имцарлик, қумлик, тезлик сўзларида бир неча методларни ифодалашини таъкидлайди.

Юқоридаги сўзлардан -лик аффикси лексик, оператори вазифасини бажараётган бўлса, айрим ҳолларда «гапга тенг конструкцияларига кушилиб, уни гапнинг бирор бўлаги функциясидаги конструкцияга айлантириш»ни баён қилади. Масалан, бир икки кундан кейин Ёзёвон масаласида катта йиғин бўлиши кераклигини англади (С. Ахмад).

Кўринадики, муаллиф бу ўринда лексик ва синтактик, ҳақида уларнинг умумий ва ўзига ҳос хусусиятлари ҳақида маълумот бермоқда.

Муаллиф шу кунга қадар ўзбек тилшунослигида сўз ясалиши сифатида баҳоланиб келаётган ва жуфт ҳамда такрорий сўзлар атамаси билан юритилувчи сўзларнинг лексик, эмаслигини кўрсатади. Бу ҳақда у қуйидагиларни ёзади: «Ўзбек тилида, шунингдек, бошқа туркий тилларда сўз ясалиши ҳақида гапирганда, одатда жуфт ва такрорий сўзлар ҳам сўз

ясалиши ҳодисаси сифатида таърифланади, композиция усули сўз ясалиши деб қаралади. Ҳатто, қўшма, жуфт ва такрорий сўзларнинг ҳаммаси «қўшма сўзлар» номи билан юритилаверади. Аввало, қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар бир-биридан бутунлай фарқли ҳодисалар. Қўшма сўз ҳақиқий лексик ҳодиса, унинг ясалиши эса сўз ясалиши ҳодисаси. Жуфт ва такрорий сўз эса тула методда лексик ҳодиса эмас ва унинг ясалиши ҳам сўз ясалиши ҳодисаси бўла олмайди».

Муаллиф мустақил сўз туркумларида форма ясалиш ҳақида фикр юритиб, уларни уч гуруҳга бўлади: 1) синтетик формалар, 2) аналитик формалар, 3) жуфт ва такрорий формалар. Шунингдек уларни катогориал ва нокатегориал формаларга ажратади.

Тилнинг синхрон ҳолатидаги динамик аспекти ўрганишга интилиш тилшуносликда икки асосий йуналишни вужудга келтирди: бири трансформацион туғдирувчи грамматика, иккинчиси психоллингвистика.

Тилнинг динамикасини ўрганишга асосланган трансформацион туғдирувчи грамматиканинг асосчиси Н. Хомский саналади. У ўзи яратган грамматикани маълум бир тилдаги гапларни туғдиришнинг кибернетик қурилмаси деб ҳисоблайди.

Н. Хомскийнинг трансформацион грамматикасига Ш. К. Шаумян баҳо берар экан, бу грамматиканинг ўзаги энг содда лингвистик тузилишдан иборат бўлган ва турли мураккаблик даражасидаги бошқа лингвистик тузилишлар учун асос ролини ўтовчи тилнинг ядровий бирликлари ҳақидаги ғоядир, - дейди.

Н.Хомскийнинг фикрича, тил муайян қоидаларга амал қилувчи ижодий фаолият саналади. Шунинг учун лингвистик назариянинг бош вазифаси сўзловчилар нутқий фаолиятини бошқариб турувчи механизмни, грамматикани очишдан иборат бўлиши керак [16. 87].

Лекин Н.Хомскийнинг трансформацион грамматикаси қанчалик эътиборга молик бўлишига қарамасдан, ядровий бирликларни белгилашнинг

аниқ механизмининг йуклиги, контексдан узиб олинган гапларни ўрганишнинг субъективлиги унинг ожиз томонини кўрсатади.

Н. Хомский концепциясидаги ана шу ожиз томонларни С. Шаумян ва П. Я. Соболева томонидан ишлаб чиқилган аппликатив модел бартараф қилишга имкон берди. Бу моделнинг характерли белгиси дедуктивликдир.

Агар Н.Хомский трансформацион қоидаларни эмперик материалларни таҳлил қилиш асосида аниқласа, Шаумян эса миқдор жихатидан жуда чекланган компонент ва қоидалар асосида иш кўради. У юкори даражадаги абстракциялаштириш эканлиги билан ажралиб туради.

Аппликатив моделда икки таянч объект («нарс» ва «гап») ва бир қоида (аппликация қоидаси) эътироф этилади. Асос ва иккиламчи объектларга аппликация қоидасининг қўлланилиши янги-янги мураккаб ҳосила объектларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Лекин ТМ ҳам АМ (аппликатив модел) ҳам трансформацияни бир-биридан фарқламайди. Шу билан бирга кўпчилик адабиётларда трансформация деганда, синтактик бирликларнинг структурасидаги динамик шароит тушунилса, деганда бирламчи лексик бирликлардан иккиламчи лексик бирликларнинг ҳосил қилиниши тушунилади. Шунинг учун бу ҳоцисаларнинг биринчиси синтактик сатҳ доирасида, иккинчиси эса лексик ва морфемик сатҳ оралигида, тўғрироғи, сўз ясалиши доирасида ўрганилади.

Фақат ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб, қоидаси фақат сўз ясалиши доирасидагина эмас, балки тилнинг синтактик сатҳида ҳам амал қилувчи универсал модел эканлиги эътироф этила бошлади. Ана шундай ҳаракат натижаси сифатида синтактикага бағишланган айрим асарлар майдонга келди. Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб ўзбек тилшунослигида ҳам, лексик сатҳдан юкори сатҳда ҳам мавжуд эканлигига эътибор қаратилди ва синтактикнинг тадқиқи бағишланган асарлар майдонга келди.

Ўзбек тилшунослигига синтактик, атамасини илк бор Н. К. Турниёзов олиб кирди. Муаллиф ҳозирги ўзбек тилидаги гипотаксис қурилмаларининг

синтаксиси ҳақида фикр юритади. У синтактик, атамаси остида «турли конструктив элементлардан, ягона синтактик қаторга бирлаштирувчи ва нисбий тугалланган кетма-кетлик занжирига эга бўлган гап (ёки бирикма) ясалиши» тушунилади.

1.2. Лексикологияда қиёсий –тарихий метод.

Фердинанд де Соссюр тилшунослик тарихининг уч тараққиёт босқичини кўрсатади. Илк босқични «грамматика даври» деб номлайди. Бу давр тилшунослиги юнонларда шаклланиб, Францияда гуллаб-яшнаганини таъкидлайди. Мазкур тилшунослик асосан мантиққа таянган бўлиб, тилнинг ўзига хос хусусиятларини илмий асосда объектив ёритиб беришдан ўзок эди. Унинг мақсади нотўғри шакллардан тўғри шаклларни фарқлаш билан чекланганди.

Иккинчи босқич «филология даври» саналади. Гарчи «Филология» мактаби Александрияда ҳам мавжуд бўлган эса-да, лекин мазкур атама кўпроқ 1777 йили Фридрих Август Вольф томонидан асос солинган ва шу кунгача давом этаётган илмий йўналишга нисбатан қўлланилади. Бу йўналишда тип ягона ўрганиш объекти ҳисобланмайди. У ўз олдида матнларни изоҳлашни асосий мақсад қилиб қўяди. Асосий вазифани ҳал этиш адабиёт тарихи, халқнинг маиший ҳаёти ва социал масалалар билан ҳам шугулланишги олиб қолади филология йўналиши ҳамма жойда ўзининг текшириш методи манбани танқидий ўрганиш методини қўллайди. Фақат турли даврларларга оид матн парни ўзаро қиёсий ўрганганда эски ёзма манбалари мавжуд бўлган тушунилиши қийин сўзлар изоҳида ёки маълум муалифнинг индивидуал услубини ёритиш лозим бўлгандагина лингвистика масалаларига мурожаат қилинган [12. 45].

Соссюрнинг таъкидлашича, бундай йўналиш тарихий лингвистика учун йўлни тозалаб берган бўлса ҳам, лекин унинг бир муҳим камчилиги бор эди. У ҳам бўлса, ёзма нутққа қулларча сажда қилгани ҳолда, жонли тилни унутиб қўйди. Бунинг устига, улар асосан юнон ва латин обидаларига қизиқиш билдирдилар.

Соссюрнинг эътирофича, Ф.Болпнинг катта ҳизмати бир тилни унга ўхшаш бошқа бир тил асосида таҳлил этиш, бир тилга ҳос шаклни бошқа бир тил шакли воситасида изоҳлашдир.

Қиёсий-тарихий тилшуносликнинг шаклланишида Ф.Бопп билан бир вақтда германистиканинг асосчиси Якоб Гриммнинг ҳам хизмати каттадир. Макс Мюллер, Август Шлейхер тилшуносликнинг мазкур йўналишини янги материаллар билан бойитдилар.

Германистларнинг хатоси шундан иборатки, улар ўз тадқиқотлари чегараланган тиллар, яъни ҳинд-европа тиллари доираси билангина чекландилар ва ўз олдиларига «қиёслаш натижаси нимага келади, кашф қилинаётган муносабат нимани билдиради» каби саволларни қўймайдилар. Уларнинг тадқиқотлари асосан қиёсий бўлиб қолди.

Соссюрнинг фикрича, қиёслаш тарихий ҳақиқатни ёритишда зарурий шарт-шароит туғдиради. Лекин фақат қиёслашнинг ўзи билан чеқаришга ўрганилаётган объект ҳақида тўғри хулоса чиқаришга олиб келмайди.

Фақат XIX-асрнинг 70-йилларидан тилларнинг яшаш шароити (оиласиласи эътиборни торта бошлади. Натижада тилшуносликнинг янги даври бошланди. Бу ёш грамматикачилар даври ҳисобланади. Уларнинг хизмати шунда бўлдики, қиёслаш натижаларини тарихий истиқболга қўшдилар ва фактларни табиий тартибда жойладилар. Натижада тилга ўзи ривожланаётган организм сифатида эмас, балки тил гуруҳлари жамоасининг руҳий ҳосиласи сифатида қарала бошлананди. Бу мактабнинг тилшунослик олдидаги хизматлари қанчалик катта бўлмасин, ҳамма масалаларга ойдинлик киритолмади. Умумий лингвистиканинг асосий муаммоларини ҳал қилиш яна очиқ қолди.

Соссюрнинг «Умумий лингвистика курси» буйича маърузалари ана шу масалаларни ёритишга бағишланди. Бу асарнинг майдонга келиши тилшунослик тарихида систем-структур тилшуносликнинг шаклланишига олиб келди.

Соссюр ёш грамматикачиларнинг индивидуал тил ҳақидаги ғоясини давом эттирган ҳолда тилда индивидуаллик ва социаллик ўртасидаги муносабатга асосий эътиборни қаратди.

Шунингдек, В.Гумбольдтнинг тил «эргон» эмас, балки «энергия» экани ҳақидаги ғоясидан фойдаланган ҳолда тилшуносликнинг ўрганиш объекти лисоний фаолият бўлиши лозим деган хулосага келади.

Лисоний фаолият (Longuege) социаллик билан индивидуалликни ўзида бирлаштирган мураккаб жараён эканини эътироф этади. У ўзаро диалектик алоқада бўлган тил (La langue) ва нутқ (parole)нинг муносабатидан ташқил топган бутунлик эканини изчил илмий асослаб берди.

Ф.де Соссюр учун ҳар бир хусусий факт бутун таркибида катъий ўрин олишини ифодалаб берадиган универсал, фундаментал тамойилларни белгилаш муҳим эди.

Тил энг мураккаб ва энг кенг тарқалган семиологик система эканини таъкидлайди. Тил ҳар қандай семиологик система каби маълум бир шароитда ривожланади ва баъзан ҳалок бўлади. Шунинг учун уни шароитдан узиб олиб бўлмайди. Шу билан бирга, у ўзининг ички тузилиш хусусиятига эга бўлади. Бу эса, Соссюрнинг эътироф этишича, лингвистикани икки турга ташқи ва ички лингвистикага бўлишни тақозо этади. Ташқи лингвистика тилнинг яшаши учун зарур ташқи шарт-шароитларни, ички лингвистика эса уни ўрганаётган объектнинг ички тузилиши ва хусусиятини ўрганади.

Ф.де Соссюрнинг маърузалари ана шу тартибга асосланади.

Ички лингвистиканинг ўрганиш объекти лисоний фаолиятдир.

Лисоний фаолият

Ф.де Соссюр лисоний фаолият (Language)нинг индивидуаллик ва социаллик белгиларини ўзида мужассам этган бутунлик экани ва у тил (Langue) - нутқ (parole) муносабати бирлигидан ташқил топишини таъкидлайди. Олим лисоний фаолиятни қуйидагича ифодалайди:

Соссюр фикрича, лисоний фаолиятнинг икки томони мавжуд индивиидуал ва социал. Уларни бир-бирисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. “Тил” нима деган саволга жавоб бераркан, у «тил» тушунчасига «лисоний фаолият» тушунчаси тенг келмаслиги, «тил» «лисоний фаолият»нинг бир қисми, лекин энг муҳим қисми, социал маҳсулот экани, уни бу тил

эгаларининг ҳар бири хотирасида мавжуд бўлган лисоний фаолиятга киришиш имконияти эканини таъкидлайди.

Ф.де Соссюр тилнинг белгилар системаси эканини эътироф этиш (билан бирга унинг тузилиши ҳақида ҳам қимматли фикр баён қилади. Олим тилни муносабатлар йиғиндиси сифатида ижтимоий ҳодисалар қаторида ўрганаркан, унинг бошқа ижтимоий ҳодисалардан фарқи белгили характери эканини таъкидлаб, «тил ғояларни ифодаловчи белгилар системасидир» дейди. Унинг фикрича, тил бир ижтимоий жамоага мансуб кишиларнинг нутқий амалиёти орқали тўпланган ҳазинадир. Бу ҳар бир тил эгаси онгида виртуал мавжуд бўлган грамматик система, тўғрироғи, у индивидлар йиғиндиси онгида яшайди. Чунки тил ҳеч бир алоҳида индивидда тўлиқ мавжудмас, у тўлиқ ҳолда фақат жамоада мавжуд бўлади.

Лисоний фаолиятни тил ва нутқида бўларкан, бу билан Ф.де Соссюр социалликнинг индивидуалликдан муҳимнинг номимдан, қонуниятнинг тасодифий ҳолатлардан фарқ ўтанишини баён қилади.

Ф.де Соссюр тилнинг сўзловчи фаолияти (fonetion) эмас, балки сўзловчи томонидан пассив рўйхатга олинадиган тайёр маҳсулот эканини таъкидлайди [11.54].

Алан Гардинер таъкидига кўра, Ф.де Соссюрнинг катта ҳизмати шундаки, у «тил» ва «нутқ» ўртасидаги фарқланишга эътибор қаратди. Бу шундай муҳим фарқланишки, кейинчалик ҳар қандай грамматиканинг илмий тадқиқи учун муқаррар асос бўлиб қолади.

Бугунги кунда мазкур фарқланиш, дарҳақиқат ҳар қандай лингвистик тадқиқот учун таянч нуқтага айланиб қолди. Ҳозирги даврда бу фарқланишни эътироф этмаган бирон тилшунос топилмаса керак. Шунга қарамай, тил нутқ дихотомияси олга сўрилгандан буён бу фарқланишга ёндашув, унинг талқини тилшунослар ўртасида бир ҳил бўлган эмас. Хусусан, О.Есперсеннинг 1925 йил Ослода нашр этилган «Инсоният, миллат ва индивид лингвистик нуқтаи назардан» мавзудаги маъруза матнларидаёқ

олимнинг «тил» ва «нутқ» ҳақидаги қарашлари Ф.де Соссюрникидан анчагина фарқланишига гувоҳ бўламиз.

О.Есперсеннинг фикрича, тил ва нутқ ўртасидаги фарқ индивид ва жамият ўртасидаги лингвистик одат фарқланишининг гавдаланишидир. Хусусан, у нашр этилган маъруза матнининг 16- саҳифасида «тил» ва «нутқ» ўртасидаги фарқланишда мен индивидуал «онг»га қарама-қарши қўйилган «халқ онги» «жамоа онги» ёки «тўда онги» назариясининг вариантыдан бошқа ҳеч нарсани кўрмайман» деб ёзади. Ана шу фикрлар асосида муаллиф хулоса қилади: «Ҳар бир индивид ўзининг нутқи учун ташқаридан бериладиган меъёрга эга бўлади. Амалда у бошқаларнинг индивидуал нутқларини кузатиш йўли билан қўлга киритилади. Шу асосда айтишимиз мумкинки, тил (*la langue*) гуё нутқнинг (*la parole*) кўплигидир. Бу худди «кўп отлар» «бир неча отлар»дан ташқил топганига ўхшайди. Худди шунга ўхшаш барча индивидуал тиллар жамланиб миллий тилни ҳосил қилади.

Ана шу асосда О.Есперсен Соссюрнинг тил ва нутқ фарқланиши ҳақидаги назариясини ўзича изоҳлайди. Унинг таъкидлашича, индивиднинг оний лингвистик функция бажариши нутқдир. Ёки нутқ индивиднинг лингвистик одатлари йигиндисидир.

Шундай қилиб, «тил» ва «нутқ» зидланиши ўзида моҳият-ҳодиса диалектикасини намоён этади ва тил системасининг барча сатҳларини қамраб олади.

Алан Гардинер «тил» ва «нутқ» ўзаро фарқланиши билан бирга уларнинг бир-бирисиз мавжуд бўлмаслигини, узвий боғликлигини ҳам алоҳида таъкидлайди. Нутқ тилсиз юзага чикмаслиги, тил нутқ орқали функциялашуви, тилнинг ана шу мақсадни амалга ошириш учунгина мавжуд бўлиши баён қилинади [17.94].

Олим тил ва нутқни изчиллик билан фарқлаган ҳолда лингвистик атамаларни ҳам шунга мос ҳолда зидлаш зарурлигини баён қилади. Хусусан, тилшуносларнинг «гап» терминини бир вақтнинг ўзида ҳам тил, ҳам нутқ факти учун қўллашларини танқид қилади. Унинг фикрича, тил ва нутқ

атамалари бир-бирини рад этади. У ёки бу термин ё тилга, ё нутққа хос бўлиши лозим. Бир вақтнинг ўзида икки йулдан кетиш мумкинмас.

Соссюргача бўлган лингвистика индивидиум хулкига таянди. лисоний фаолият индивидуал актлар йигиндиси сифатида тасаввур қилинди. Худди мана шу ерда янги лингвистик назария билан анъанавий нуқтаи назарнинг принципиал фарқланиши, айти пайтда, туташ нуқтаси кузатилади. Ф.де Соссюр сўзлашиш жараёнидаги индивиднинг аҳамияти ва лингвистик ўзгаришларда унинг ролига катта эътибор берди. Ана шу йул билан анъанавий ва структур тилшунослик ўртасига кўприк ўрнатди. Шу билан бирга, анъанавий тилшуносликдан жиддий фарқланадиган тамойилни - анъанавий тилшуносликни ўзгартириш ёки тўлдириш лозим бўлган структур лингвистикани яратиш тамойилини шакллантирди.

Ф.де Соссюрнинг тилшуносликдаги ҳизмати шундаки, у тилни субстанциямас, шакл дея эътироф этди ва бу билан тилшунослик тарихида тил - нутқ зидланишини биринчи планга олиб чиқди. Тилшунослар диққатини нутқий кўршовдан ҳоли бўлган моҳиятларни ўрганишга жалб қилди ва тилнинг система эканини эътироф этди.

У тилда синхрон ва диахрон ҳолатларни фарқларкан, синхрон ҳолат учун система ҳаётли эканини таъкидлайди.

Ф.де Соссюр концепциясида система билан бирлашган структураси ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Муносабатлар йигиндиси тилнинг алоқа воситаси сифатида амал қилишини белгилайди. Бу эса унинг социаллигини кўрсатади. Лекин гапнинг бошқа социал ҳодисалардан хусусан, сиёсий, ҳуқуқий ҳодисалардан фарқи нимада деган саволга Ф.де Соссюр: «Тил гоёларни ифодаловчи белгилар системасидир», деб жавоб беради. Шунинг учун Соссюр лингвистик таълимотида лингвистик белги масаласи марказий ўринни эгаллайди.

Ф.де Соссюр лингвистик концепциясининг яна бир муҳим жиҳати тилнинг белгилар системаси экани ҳақидаги қарашидир.


Сабаб-натижа муносабатли (мотивланган) белгилар табиатдаги объектлараро муносабатнинг инсон онгида акс этишидан вужудга келади. Шартли муносабатли (мотивланмаган) белгиларда эса объектлар ўртасидаги муносабат инсон томонидан ҳосил қилинади. Ана шу субъектив ҳосил қилинган алоқа белги мазмуки (концепт ёки сигнификат) қисобланади. Белги орқали ифодаланган объект эса денотат ёки референт терминлари билан номланади.

Ф.де Соссюрнинг фикрича, тил белгилари ўз табиатига кўра гарчи психик бўлса ҳам, лекин абстракция эмас, балки жамият аъзолари тил хотирасида жойлашган реалликдир. У айрим муаллифларнинг тил алоқида нарсаларнинг номлари йигиндиси (номенклатураси) деган қарашларига танқидий муносабатда бўлади.

Олимнинг фикрича, лингвистик белги нарса ва унинг номи ўртасидаги муносабатданмас, балки тушунча ва акустик образ ўртасидаги муносабатдан ташкил топади. Акустик образ деганда физик ҳолат, моддий товушлар ёрдамида ифодаланишмас, балки товушларнишнинг психик муҳри, сезги аъзоларимиз томонидан яратилган товуш томони ҳақидаги тасаввур тушунилади.

Акустик образларнинг психик хусусиятини узимизнинг шахсий нутқий тажрибамизда аниқ кузатишимиз мумкин.

Шундай қилиб, лингвистик белги, Ф.де Соссюр талқини кўра, ни'и гомонлама психик моҳият бўлиб, тушунча ва акустик образларидаги муносабатдам ташқил толган.



Ф.де Соссюр узиғача бўлган олимлар белги деганда фақат акустик образни тушунганига танқидий ёндашгани ҳолда, лингвистик белги таркибий қисмларини ифодаловчи тушунча атамасини ифодаланмиш атамасига,

акустик образ атамасини ифодаловчи атамасига ўзгарилишни тавсия этади. Бундай вақтда лингвистик белги атамаси кейинги икки атама эса унинг икки таркибий қисмини ифодалайди. Кейинги икки атаманинг қўлайлиги шундаки, аввало, бутун ва бўлак зидланишини туғри ифодалайди[14.273].

Лингвистик белги энг муқим аҳамиятга молик икки хусусиятга эга эканини таъкидлайди. Уларнинг биринчиси эркинлик (произвольность), иккинчиси эса ифодаловчининг кетма-кетлигидир.

Ф.де Соссюр талқинига кўра, ҳар қандай лингвистик белги ифодаловчи ва ифодаланмиш муносабатидан ташқил топган. Лингвистик белгининг ифодаловчи ва ифодаланмиши ўртасидаги муносабат эркиндир.

Масалан, опа тушунчаси опа товушлар кетма-кетлиги билан ҳеч қандай ички муносабатга эгамас. Мазкур тушунча бошқа ҳар қандай товушлар кетма-кетлиги асосида ҳам ифодаланиши мумкин. Бу турли тилларда мазкур тушунчанинг турлича ифодаланиши ва ҳар хил тилларнинг мавжудлиги билан қам изоқланади.

Бу ўринда эркинлик атамасининг маъносига алоҳида аҳамият бериш лозим. Гарчи белгининг ифодаловчи ва ифодаланмиши ўртасидаги муносабат эркин бўлса ҳам, лекин бундан сўзловчи белгининг ифодаловчи томонини эркин танлайди деган хулосага келмаслик лозим.

Сўзловчи лингвистик белгининг жамоатчилик қабул қилган ифодаловчи томонига озгина бўлсада ўзгариш киритолмайди. У узининг тил хотирасида ўзигача бўлган ифодаловчи ва ифодаланмиш муносабатидан гашқил толган лингвистик белгини бир бутун ҳолда ўзлаштиради.

Лингвистик белги эркинлиги фақат ифодаловчининг ифодаланмишга нисбатандир. Чунки бу икки томон ўртасида ҳеч қандай табиий алоқа йук.

Шу билан бирга, тил системасида мазкур тамойилга истиснолар ҳам учрайди. Хусусан, Ф.де Соссюр товушга таклид сўзлар билан ундов сўзларни ана шундай белгилар каторига кушади. Лекин уларнинг қам сонлиги ва тил системасининг «органик элементи» эмаслиги, шу сабабли бу қолатлар

лингвистик белгининг эркинлиги тамойилини рад этаолмаслигини таъкидлайди.

Ифодаловчи ўз табиатига кўра эшитиш сезгиси оркали қабул қилиниш хусусиятига эга бўлгани туфайли вақтда кенгайиб боради. Шунинг учун у вақт белигисига кўра тавсифланади: а) чузиклик белигисига эга. б) бу чузиклик бир улчовга эга.

Лингвистик белгининг мазкур хусусияти тадқиқотчилар диққатини ҳам жалб этади. Чунки у аниқка ўхшаб кўринади. Ф.де Соссюрнинг таъкидлашича, лингвистик белгининг кетма-кетлик тамойили худди биринчи тамойил қаби муҳимдир. Бутун тил механизми бу тамойил билан боғланган, Лингвистик белгининг бошқалардан, хусусан, денгиз сигналларидан асосий фарқи шундаки, у эшитиш оркали қабул қилинади ва эшитилган ифода томони товуш кетма-кетлигига эга. Бир вақтнинг тилнинг муайян бир даврдаги ҳолати тарихий факторлар махсулидир. Бу эса белгининг ўзгармаслик сабабини кўрсатади. Лекин «тил ўтмиш мероси» деган ҳукм билан чеклансак, у тилдаги ўзгариш жараёнлари ҳақида ҳеч қандай тасаввур бермайди.

Белгининг эркинлиги назарий жихатдан унинг моддий томони билан маъно томони ўртасидаги муносабат эркинлигини таъминлайди. Демак, белги остида бирлашган бу икки томон эркин равишда яшайди на муайян кучлар таъсирида ривожланади. Эволюция ё товуш томонини, ёки маъно томонини қамраб олади. Бу муқаррардир. Ундан ҳоли бўлган бирорта тил учрамайди. Маълум вақт оралигида ҳар бир тилда сезиларли равишда ўзгариш рўй беради.


Белгининг замонда узлуксизлиги ва ўзгарувчанлиги умумий семиология тамойилидир. Буни ёзув системасида, қар-соқовлар тилида яққол қўзатиш мумкин.

Белгининг узлуксизлик сабабини аниқ қўзатиш мумкин. Лекин унинг замонда ўзгариши сабаби ҳақида бундай фикрни айтиб бўлмайди. Замон ҳар қандай нарсани ўзгартиради. Тил ҳам мазкур умумий қоидадан мустасномас.

Ф.де.Соссюр белгининг «ўзгарувчанлик ва ўзгармаслик» хусусияти хақида фикр юритаркан, куйидаги хулосага келади:

Лисоний фаолиятнинг икки таркибий қисм (faktuur)-ни ва нутқдан ташқил топгани эътироф этилади. Соссюр учун тип бу лисоний фаолият, нутқдир. У алоҳида шахснинг бошқалар фикрининг тушуниши учун имкон беради.

Лекин тилнинг мазкур таърифи уни социал реалликдан ташқарида колдиради. У фақат реалликнинг бир томонини индивидуал аспектинигина уни ичига опади. Тил бўлиши учун эса сўзлашувчи жамиятнинг аъноси бўлмоғи ҳам лозим. Тил жамиятдан ташқарида мавжуд бўлмайди. Чунки у семиологик ходисадир. Тилнинг социал табиати унинг ички хусусиятларидан биридир. Тилнинг туликрок таърифи икки ўзаро боглик ходисаларнинг тил ва сўзлашувчи жамоа ўртасидаги муносабатини камраб олиши лозим бўлади. У куйидаги схема оркали ифодаланади:



Мазкур схема тилнинг яшашга қодирлик имкониятинигина ифода-лайди. Схема остидаги тил яшаётган тилмас. Чунки у фақат тилнинг социал реаллик белгисинигина қамраб олади.

Сўзлашувчи жамоани замондан ташқарида караш социал кучларнинг тилга таъсирини ўрганишга имкон бермайди. Хақиқатга якинлашмок учун юқоридаги схемага замон ҳаракатини ифодаловчи белгини кўшиш лозим бўлади. яъни:



Бу схемада замон социал кучларнинг тилга таъсир қилишига имкон бериши акс этади. Шундай қилиб, тилнинг замонда узлуксизлиги эътироф этилади. Узлуксизлик эса ифодаловчи билан ифодаланмиш ўртасидаги муносабатнинг даврлар утиши билан маълум даражада ўзгаришини таъминлайди.

Шундай қилиб, Ф.де Соссюр таълимотида тилнинг социаллиги эътироф этилиши билан бирга уни индивидуаллик ва социаллик, тилни нутқ, баркарорлик ва ўзгарувчанлик.

Бундан фарқли равишда товуш томони аниқ қисмларга бўлинади. Мазкур фикр осонгина қуйиладиган тайёр шакл мас, балки узи алоҳида қисмларга бўлинадиган пластик массадири. Шунинг учун тилни қисмларга кетма-кетсегментланадиган қатор сифатида тасвирлашимиз мумкин.

Фикрга нисбатан тилнинг ўзига хос роли моддий товуш томонини ҳосил қилиши эмас, балки фикр ва товуш томони ўртасида воситачи ролини ўйлашдир.

Тил қисмларга бўлинувчанлик хусусиятига эга. Ҳар бир тил элементи бўлинган сегмент ҳисобланади ва унда тушунча маълум товушлар билан бўлинади, товушлар эса тушунчанинг белгисига айланади. Шунинг учун лингвистик белгининг ифодаловчи томонини ажратиш мумкин эмас. Уни дафтар варагига қиёслаш мумкин. Маъно унинг юза томони, товуш эса тескари томони ҳисобланса, бу икки қисмни алоҳида-алоҳида икки бўлакка ажратиб бўлмайди. Демак, тилда ҳам маънони шаклдан, шаклни эса маънодан ажратиб бўлмайди.

Лингвист ифодаловчи ва ифодаланмиш элементлари бирлашган чегара зонада ишлайди. Икки томоннинг бирлашуви субстанцияни эмас, балки формани ҳосил қилади.

Ф.де Соссюрнинг лингвистик таълимоти дунё тилшунослигига катта таъсир қилди ва структур тилшуносликнинг турли йуналишлари шаклланишига назарий асос бўлди [13.175].

Бодуэн де Куртенэ ва Ф.де Соссюр структур тилшуносликка асос солдилар. Юкорида таъкидланганидек, кейинчалик структур тилшуносликнинг турли мактаблари майдонга келди. Куйида уларнинг асосийлари ҳақида фикр юритилади.

II БОБ

ЛЕКСИКОЛОГИЯДА ТРАНСФОРМАЦИОН МЕТОД ВА ТРАНСФОРМАЦИЯ ТУРЛАРИ

2.1. Дистрибутив таҳлил метод.

Трансформация лисоний бирликларнинг маълум воситалар ёрдамида бир шаклдан иккинчи шаклга ўзгариш ҳодисасадир. Кўринадикки, трансформация ҳодисаси ҳам ўз структурасига эга бўлиб, уч структур бирликнинг ўзаро муносабатидан ташкил топади. Шакл ўзгариши учун асос қисм, бу қисм операнд саналади. Иккинчиси трансформация воситаси бўлиб, трансформация оператори ҳисобланади. Учинчи қисм ҳосила шакл бўлиб, у трансформация саналади. Демак, ҳар қандай трансформация муайян трансформация оператори ёрдамида операнддан ҳосил қилинади.

Шуни таъкидлаш керакки, трансформация билан операнд ўртасида зотий боғланиш мавжуд бўлади. Бунинг боиси шундаки, операндга қандай трансформация оператори қўшилишидан қатъий назар, трансформация билан операнд бир моҳиятни ифодалайди. Янги лингвистик бирликни ҳосил қилмайди. Масалан, иш операнди трансформация воситалари бўлган келишиқ қўшимчаларидан бирини (ишни, ишининг, ишга ва х-з.), ёки эгалиқ қўшимчаларидан бирини (Ишим, ишининг, иши), ёки сон қўшимчаларидан бирини (мишмишлар) қўшсак бундан ҳосил бўлган янги шакллар, яъни трансформалар операнд методидан фарқ қиладиган янги методли бирликни ҳосил қилмайди. Ана шу хусусияти билан удан фарқ қилади. Худди шундай ҳолат синтактик сатҳга ҳам мансубдир. Морфологик ва синтактик сатҳда учрайдиган бу умумий ҳодиса морфологияда шакл ясалиши, сўз ўзгариши атамалари билан, синтактик сатҳда эса трансформация атамаси билан юритилади.

Трансформация инвариант масаласи.

Трансформацион грамматика (ТГ)да трансформалар ниманинг, қайси барқарор бирликнинг бевосита кузатишдаги кўринишлари эканлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Айрим муаллифлар, гапни ички структура (ИС) ва ташқи структура (ТС)ларга ажратган ҳолда, ташқи структура (ТС)даги турли ўзгаришлар учун асос, таянч нукта ички структура (ИС) деб қаралади.

Н.Хомский семантикани ёритиш қийин ва ноаниқ эканлигига асосланган ҳолда, «фақат соф шаклга таяниб иш кўргандагина грамматик назариянинг қатъий заминини яратиш мумкин» деган эди [17.94].

У гапни туғдириш жараёнида турли даражадаги гавдалантириш «репрезентация босқичлари»ни кўзатиш мумкинлигини таъкидлайди. Улардан муҳими ИС ва ТС дир. Унинг фикрича, ИС ТС дан абстрактлиги ва умумийлиги билан ажралиб туради. У гапнинг минимал структурасини акс эттиради. ТС эса ИС дан турли трансформациялар асосида ҳосил қилинади. Туғдириш жараёни Н.Хомский томонидан олдиндан берилган тайёр гаплар таҳлилидан, тайёр ТС дан бошланади. Туғдириш жараёнини барча босқичлари ТС га асосланади.

Н.Хомскийнинг синтаксисни соф шаклга асосланиб қўришга интилиши унинг айрим салафлари томонидан танқидий баҳоланди. Хусусан, Дж Локкоф, Дж Макколи, Ч.Филмор сингари тилшунослар генератив тилшунослик доирасида қолган бўлсалар ҳам, унинг доирасида «туғдирувчи семантика» номи билан алоҳида оқимни ташкил этдилар.

Туғдирувчи семантика ИС ни рад этадилар ва унинг ўрнига семантик структурани тавсия этадилар. Семантик структурани таҳлил қилиш жараёнида феълнинг муҳим рол ўйнашини таъкидлайдилар. Айниқса, бу ғоя У.Л.Чейф лингвистик концепциясининг марказини ташкил этади.

У.Н.Хомскийнинг синтактик структура ва уни таҳлил қилиш усулларига танқидий муносабатда бўлар экан, гапнинг семантик таксономиясига алоҳида эътибор қаратади. Семантик таксономияда Л.Чейф

асосий эътиборни феълга қаратади. Унинг фикрича, феъл функционал нуктаи назардан гапнинг марказидир. Шунинг учун трансформаларни туғдиришда таянч нукта феъл ҳисобланади. Чунки феъл семантикасида гапнинг барча белгиси ифодасини топади. Феъл предикат билан тенглаштирилади. Предикат ва унинг феъл аргументлари ўртасидаги муносабат, хусусан, ҳаракат предиката ва агентс ўртасидаги, эгалик қилувчи предикат ва қарашли бўлувчи предмет ўртасидаги муносабат ва бошқалар. Бу муносабатларни Л.Чейф «семантик ўлчовлар» ёки «семантик ўқлар» деб номлайди. Бунга мувофиқ предмет трансформаларни туғдириш жараёнини белгилайди. Гапнинг грамматик ва мазмуний маркази феъл эканлиги француз тилшуноси Теньер ва рус тилшуноси Т.Н.Ломтев асарларида ҳам таъкидланади.

Трансформация назарияси буйича С.К.Шаумян ҳам Н.Хомский фикрларига танқидий баҳо беради ва трансформациянинг янги назариясини баён қилади. Унинг фикрича, трансформациянинг янги назариясининг муҳим жиҳати шундаки, З.Харрис ва Н.Хомскийлар трансформация тушунчасини бирламчи деб ҳисобласалар, янги назария трансформацияни трансформацион қатор асосида изоҳлайди. Трансформацион қаторни бирламчи, трансформаларни эса унинг ҳосиласи деб қарайди. Трансформациялар фақат трансформация қатори доирасидагина белгиланшни таъкидланади[15.98].

С.К.Шаумян фикрича, трансформацион қатор трансформацион майдон тушунчаси билан узвий боғлиқдир. Трансформацион майдоннинг мазмуний тавсифи табиий тилни мазмуний жиҳатдан тадқиқ этишда фундаментал аҳамиятга эга бўлган мазмуний инвариантлик қонуниятини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Кўриниб турибдики, трансформалар учун инвариант масаласи Харрис, Хомский, Чейф асарларида синтактик сатҳга нисбатан муҳокама қилинади. Дарҳақиқат, синтактик бирликларнинг трансформаларини белгилашда гапнинг мазмуний ва структур маркази ҳисобланган феълларга, тўғрироғи предикатларга таяниш илмий асосга эга.

Лекин морфологик трансформалар ҳам борки, уларнинг инвариантини белгилаш тамойили назардан четда қолади.

Трансформацион лингвистикада маълум трансформаларнинг трансформация воситалари ёрдамида муайян асос гапдан ҳосил қилиниши ҳақида фикр юритилади. Ана шу асос гап ядро гап саналади. Лекин қандай гап ядро гап ҳисобланиш масаласида тилшунослар хилма - хил фикр юритадилар.

Айрим олимлар трансформация катори, трансформация майдони тушунчаларига таянган ҳолда, трансформация майдонига кирувчи барча гапларни трансформалар ҳисоблаганлари ҳолда, уларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган мазмуний структурани барча трансформалар учун асос деб ҳисоблайдилар. Хусусан, С. К. Шоумян фикрича, трансформация майдонини мазмуний нуқтаи назардан талқин қилиш табиий тилларни мазмуний тадқиқ. этишда фундаментал аҳамиятга эга бўлган мазмуний инвариантлилиқ қонунини аниқлашга ёрдам беради.

Ю.Д.Апресян эса трансформация қаторлари учун барча трансформаларда такрорланувчи минимал шаклий структурани ядро гап деб ҳисоблайди.

Бизнинг назаримизда, ҳар иккн сатҳ учун ҳам инвариантни белгилашнинг умумий тамойили трансформаларнинг барчасида такрорланиш ва лисоний бирликларни уюштириш хусусиятига эга бўлган ядровий (марказий) бирликни белгилашдир. Ана шундай ядровий бирлик синтактик сатҳ бирликлари учун предикат, морфологик бирликлар учун асос қисм ҳисобланади. Асос қисм ўзига хос морфологик шакллар билан кенгайиб, морфологик трансформаларни, предикат эса ўзига хос синтактик шакллар билан кенгайиб, синтактик трансформаларни ҳосил қилади.

Ўзбек тилида содда гапларнинг инвариантини белгилаш бўйича М.Абузалова қимматли фикрларни билдиради. Унинг эътирофи этишича, системавий тилшунослиқда гап нутқ ҳосиласи саналиб, тил бирлиги сифатида гапнинг ўзи эмас, балки унинг модели (қўрилиш қолипи)дан олинади. Гап қолипи гапнинг асосий грамматик ва структур(қўрилиш) хусусиятларини ўз ичига оладиган мавҳум қўрилмадир. У гапнинг структур

элементлари орасидаги муносабатни ифодалаб, унинг умумий грамматик методсини узида мужассамлаштиради.

Нутқдаги гаплар тузилиш жихатидан хилма-хил бўлганлиги учун қолиплари ҳам беҳад хилма-хил бўлади. Нутқда вокеланган турли-туман гапларни ташки қурилиш қолиплари асосида бир неча қолипларда умумлаштириш мумкин. Гапнинг энг кичик синтактик қолипини аниқлаш учун гапдан носинтактик ходисалар ўз тажаллиларини бирма-бир четлаштириш лозим.

Гапнинг ифода мақсади, оҳанги, модаллик, гап бўлаклари сингари носинтактик ходисалардан ҳоли қилинган қисми қолади. Муаллиф ана шу қисмини гапнинг энг кичик қолип ҳисоблайди.

Гапнинг энг кичик қолипи ҳақидаги бу фикрларга биз қўшилган ҳолда, носинтактик ходиса деб ҳисобланган фикрига эътироз билдирамыз. Синтактик ва носинтактик ходисалар остида баён қилинган фикрлар, бизнинг назаримизда, ҳақиқатни акс эттирмайди. Чунки гапга хос барча белгилар синтактик ходисалар ҳисобланади ва гапга хос бўлмаган бошқа ходисалар, хусусан морфологик, лексик, фонетик ходисаларга қарама қарши қўйилади.

Тадқиқотчи Д.Набиева синтактик birlikларни қолиплаштириш муаммоси юзасидан фикр юритар экан, В.И.Дегтаревнинг гап тузилишини тил ва нутқ планида изохлашни ва уни конструктив-тил ва коммуникатив-нутқий тузилишларга ажратишни маъқуллайди. Унинг фикрича, гап тузилишининг бундай икки тўрға бўлиниши уни ўрганадиган тилшунослик бўлимини ҳам икки тўрға ажратишга имконият яратди. Коммуникатив ва конструктив синтаксис бир-биридан фарқланади. Синтаксисни бундай икки гуруҳга ажратиш гап тузилишининг тил ва нутқ дихотомиясига муносабати асосида ёритишга қулайлик туғдиради [11.43].

Конструктив-синтактик сатҳда турли хил мазмуний ва лексик таркибга эга бўлган нутқий акт модел деб номланувчи гапнинг инвариант типларига умумлаштирилади. Модел инсон онгида, тил хотирасида имконият тарзида мавжуд бўлади. Айрим муаллифлар лисоний қолипларни фақат шакл асосида

белгилашни тавсия этадилар. Д.Лутфуллаеванинг қайд этишига кўра, ҳозирги кунда назарий синтаксисда гап лисоний қолипни характерловчи қуйидаги белгилар қайд этилади: қолипнинг шаклий тузилиши, қолипнинг мазмуний тузилиши, қолипга асос бўлган гапларнинг парадигматик хусусияти, қолипнинг мунтазам вокеланиб туриши, қолипнинг амал қилиш доираси.

Тилшунослик тарихида гапни мазмуний жихатдан қолиплаштириш усули кенг тарқалмаган. Д.Лутфуллаеванинг тугри таъкидлаганидек, гапда шакл ва мазмун номувофиклиги ёки бир мазмунни турли синтактик структура орқали ифода этиш мумкинлиги кўп ҳолларда тилшуносларнинг гапни семантик қолиплаштиришдан воз кечишларига сабаб бўлган. Ана шуни эътиборга олган ҳолда олима синтактик бирликларни лисоний белгилик табиатидан ва унинг икки томонлама моҳият эканлигидан келиб чиқиб, семантик-синтактик қолиплаштиришга ҳаракат қилади. Семантик-синтактик нуқтаи назаридан гапни қолиплаштириш натижасида бевосита кузатишида берилган реал гапларнинг инвариантлари аниқланади.

Худди шундай изоморфлик сўзларнинг ва гапларнинг ўзгаришида ҳам кузатилади: лекин синтактик бирликлар ўзгариши учун трансформация, морфологик бирликлар ўзгариш учун сўз ўзгариши форма(шакл) ясалиши сингари атамалар қўлланилади. Натижада, анъанага кўра, трансформация ҳодисаси фақат синтактик сатҳ билан чегараланади. Трансформация универсалийлар таркибига кирар экан, у фақат бир сатҳ доираси ўз билан чегараланмаслиги лозим.

Лексик трансформация

Лексик, ва трансформация ҳақида рус тилшунослигида Е.А.Земскаянинг қатор тадқиқотларида сўз ясалиши баҳсида фикрлар юритилган. Бу жихатдан, айниқса, унинг «Язык как деятельность» китобида баён қилинган гоёлар диққатни ўзига жалб қилади.

Муаллиф қарийб олтмиш йилдан буён лексик, муаммоси билан шуғулланиб келади. Сўнги китоби ана шу олтмиш йиллик илмий фаолиятнинг синтези сифатида майдонга келган деб ҳисоблаш мумкин.

Унинг фикрича, сўз ясалишини тилнинг алоҳида сатҳи деб ҳисоблаш тўғри эмас. Сўз ясалиши морфология билан битта сатҳни ташкил этади ҳамда морфология ва лексика билан узвий боғлиқ тилнинг муҳим кичик системасини ҳосил қилади.

Е.А.Земская деревация соҳасида катта тажрибага эга бўлишига қарамасдан, кўп ҳолларда уни, бизнинг назаримизда, трансформация ходисаси билан қориштириб юборади. Хусусан, у деревациянинг қуйидаги бешта турини ажратади: 1) соф номинатив сўз ясалиш, 2) конструктив сўз ясалиши, 3) компрессив сўз ясалиши, 4) экспрессив сўз ясалиши, 5) стилистик сўз ясалиш.

Кўриниб турибдики, сўз ясалиши қаторига киритилаётган туртинчи ва бешинчи тур сўз ясалиши талабига жавоб бермайди. Уларда бир лексемадан муайян ясовчи восита орқали шу лексема билан мазмуний мотивланган бошқа лексема ҳосил бўлмайди, балки ҳосила қисм мазмуний мундарижасида қўшимча семалар: экспрессив ва услубий ҳосиланиш семалари пайдо бўлади. Демак, тўртинчи ва бешинчи тур сўз ўзгаришидан, яъни лексик трансформациядан бошқа нарса эмас.

Лексик трансформация деганда сўзнинг грамматик метод юқловчи грамматик шакллар билан ўзгариш тушунилади.

Демак, лексик трансформация сўзнинг ясалиш ходисасидан ташқаридаги барча ходисаларни қамраб олади. Яъни сўзнинг шакл ясалишини ўз ичига олади. Бошқача айтганда, трансформация қолипидидаги сўз шакллариининг иккинчи компонентининг ўзгариши натижасида юзага чиқади. Шунинг учун уни морфологик трансформация дейилиб, синтактик трансформацияга қарама қарши қўйиш мумкин эди. Лекин сўз доирасида унинг ясалиши билан ўзгаришини эътиборга олган ҳолда, сўз қисмини умумлаштириш учун лексик, ясалиш ва ўзгаришини фарқлаш учун, ва трансформация атамаларидан фойдаланилади.

Академик А. Дожиев грамматик метод ва грамматик шакл ҳақида фикр юритар экан, грамматик метод сўзнинг лексик методсини

ўзгартирмаслигини, лексик методга қўшимча тарзидаги метод бўлишини ҳамда махсус воситалар оркали ифодаланишини баён қилади. Шу билан бирга грамматик метод ва грамматик шакл деганда фақат мустақил методли сўзлар назарда тутилиши, чунки мустақил методли сўзларгина грамматик метод ва грамматик шаклга эга бўлишини таъкидлайди.

Тўғри, ҳар қандай мустақил сўз грамматик метод ва грамматик шаклга эга бўлади. Лекин бу билан кўмакчи морфемаларни грамматик методдан махрум, деган хулосага келиб бўлмайди.

Ҳар қандай грамматик шакл муайян грамматик методни ифодалайди. У сўз таркибида маълум етакчи морфема билан синагматик муносабатга киргунга қадар ҳам маълум бир грамматик парадигма аъзоси сифатида шу парадигмага хос бирлаштирувчи сема билан биргаликда бошқа парадигма аъзоларидан фарқлаб турувчи ўзига хос грамматик семага ҳам эга бўлади. Масалан, тушум келишиги шакли келишик парадигмасининг аъзоси сифатида «келишиклик» умумий семасига эга бўлиши, яъни ўзи боғланаётган сўзнинг бошқа сўз билан синтактик муносабатини ифодалаш семасига эга бўлиши билан бирга, чиқиш, жўналиш сингари бошқа келишик қўшимчалари методсидан фарқ қиладиган хусусий методга, хусусий грамматик семага ҳам эгадир.

Туркологияда, хусусан, ўзбек тилшунослигида 50-йиллардан бошлаб сўз ясалишига бағишланган фундаментал тадқиқотлар майдонга келган бўлса ҳам, лекин дарслик ва қўлланмаларда сўз ясалиши ҳам, сўз ўзгариши ҳам то 70-йилларга қадар тилшуносликнинг морфология бўлимида ўрганиб келинди.

Академик. А.Ҳожиёв тўғри таъкидлаганидек, сўз ясалиши ва шакл ясалиши ҳодисаларининг шу кунга қадар морфология баҳсида ўрганилишига сабаб, бўларнинг ҳар иккисида морфема иштирок этишидир.

Морфема ва унинг хусусиятлари ҳақида ҳам морфологик баҳсида гапирилар эди. Ваҳоланки, морфема ҳақидаги таълимот ҳам алоҳида соҳа сифатида ажратила бошланди.

- Ҳар бир мустакил сўз лексик методдан ташкари, грамматик методга ҳам эга бўлади. Грамматик метод сўзнинг лексик методсини ўзгартирмайди, лексик методга қўшимча тарздаги метод бўлади ҳамда махсус воситалар орқали ифодаланади. Грамматик метод ифодаловчи воситалар олган шакли сўзнинг грамматик шакли ёки қисқача қилиб сўз шакли дейилади.

Бир лексеманинг турли грамматик шакллари проф. Ш.Рахматуллаев лексема шакл атамаси билан номлайди. Ҳар бир лексема шакл муайян лексеманинг нутқ жараёнида воқеаланган турли трансформалари саналади.

Ўзбек тилида лексик трансформалар аффикслар ва ёрдамчи сўзлар воситасида ҳосил бўлади. Аффиксация ёрдамида синтетик трансформалар, ёрдамчи сўзлар ёрдамида аналитик трансформалар ҳосил қилинади. Масалан, далага, дала томон сингари лексема шакллар дала сўзининг турли трансформалари бўлиб, биринчиси аффиксация йули билан, иккинчиси эса композиция йули билан ҳосил бўлган, шунинг учун биринчи трансформация синтетик, иккинчиси эса аналитик лексик трансформация саналади.

А.Ҳожиёв сўз шакллари ҳақда фикр юритар экан, уларнинг грамматик категория ҳосил қилиши ёки бундай хусусиятга эга эмаслиги белгисига кўра категориал шакллар ва нокатегориал шаклларга бўлади. Масалан, келишик, эгалик, замон, шахс-сон шакллари категориал шакллар саналади. Чунки бу шакллар трансформанинг маълум категорияга ҳосилини кўрсатади. Отларнинг, кичрайтириш, эркалаш, феълнинг равишдош, сифатдош, ҳаракат номи шакллари нокатегориал шакллар ҳисобланади.

Бўлардан ташкари «модал шакл», «субъектив шакл» деб юритилувчи сўзларнинг шакллари ҳам борки, бу шакллар айрим муаллифлар томонидан дериватлар сифатида, бошқа муаллифлар томонидан эса трансформандлар сифатида қаралади.

А.Ҳожиёв трансформаларни категориал ва нокатегориал турларидан ташкари яна «субъектив баҳо шакли» ва «модал шакли» каби алоҳида шаклларнинг ажратилишига танқидий муносабат билдиради.

Унинг фикрича, сўз шаклларини категориал ва нокатегориал турларга ажратиш ўз тамойилига эга. Яъни бунда сўз шаклларининг грамматик категорияга бўлган муносабати асосга олинади. Модал ёки субъектив баҳо шаклларига ажратишнинг эса ана шундай тамойили мавжуд эмас. Аслида «модал шакл», «субъектив баҳо шакли» деб таърифланаётган шакллар сўз ясашишига ҳам, грамматик категорияларга ҳам алоқаси бўлмаган ходисалардир. Юкоридаги шакллар хакидаги баҳс-мунозаралар, унинг таъкидлашича, форма ясашишига алоқадор умумий назарий масалаларнинг деярли ўрганилмаганлигидадир.

Лексик, операторларига зидланувчи операторларнинг ҳаммасини айрим муаллифлар шакл ясовчилар номи остига бирлаштирган ҳолда, уларни синтактик муносабат ифодалаш-ифодаламаслик белгисига кўра лугавий шакл ясовчилар ва синтактик шакл ясовчиларга бўлади.

Бу зидланишда зидланувчи аъзоларнинг биринчиси зидланишга асос бўлган белгига эга эмас, кучсиз, иккинчиси эса шундай белгига эга бўлган кучли аъзо саналади.

Лугавий шакл ясовчилар билан синтактик шакл ясовчилар ўзи қўшилаётган асос қисм методсига таъсир этиш-этимаслик белгисига кўра ҳам приватив зидланиш муносабатида бўлади. Бу жихатдан, лугавий шакл ясовчилар зидланишга асос бўлган белгига эгаллиги, кучлилиги билан, синтактик шакл ясовчилар эса, аксинча, бундай белгига эга эмаслиги ва кучсизлиги билан характерланади.

А.Ҳожиёвнинг сўз шакллари таснифини қуйидаги жадвал орқали ифодалаш мумкин.

Азим Ҳожиёв ўзбек тили морфологияси бўйича шу вақтга қадар, асосан, категориал шакллар ўрганилганидан, -даги, -дек, -ники, -нинг сингари бир қатор қўшимчалар сўз ясовчилар қаторида ўрганиб келинганини таъкидлайди.

Унинг фикрича, ҳар қандай сўз шакли, (яъни трансформа) грамматик метод ифодалайди. Бу барча грамматик шакллар учун умумий хусусият.

Улар эса хилма-хил грамматик методларни ифодалайди. Сўз шакллари, қандай метод ифодалашидан қатъий назар, грамматик категорияга бўлган муносабатига кўра икки асосий тўрға категориал ва нокатегориал шаклларга бўлинади. Хар қандай сўз шакли шу икки турдан бирига мансуб бўлади. Шу кунгача «модал шакл», «субъектив баҳо шакл», «кичрайтиши- эркалаш» категорияси деб таърифлаб келинаётган қизча, кузичоқ, акажон каби шакллар нокатегориал шакллар қаторига киради.

Айрим адабиётлардагина шаклининг от ва сифатларга бўлишилиб, икки хил метод вазифада келиши, унинг аффикслиги ҳақида фикр юритилади. Лекингина шакли фақат от ва сифатлардагина қўшилмайди. У деярли барча мустақил сўзларга қўшила олади. Масалан, шугина, келсагина, анчагина, секингина, иккитагина ва бошқалар.

А.Ғулом ҳам бу шаклининг икки хил метод ифодаловчи омоним шакл эканлигини, икки хил моҳиятни ифодалашини таъкидлайди ва бу икки шакл бир-биридан ўргу олиш-олмаслик белгисига кўра фаркланишини кўрсатади.

Хуллас, сўз ясалиши билан сўз шакл ясалиши ўзаро зидланади ва биринчиси,, иккинчиси эса трансформация саналади.

Лексема таркибига кушилиб, асос қисман янги лексема ҳосил қилиш усулини лексик,, янги лексема ҳосил қилмайдиган усулини эса морфологик трансформация ҳисоблаш мумкин.

Лексемага шакл ясовчи восита қўшилиши натижасида пайдо бўлган ҳосилани лексикага киёсан лексик дейилиши ҳам мумкин, лекин трансформация дейилиши ҳам мумкин эди. Трансформация сўз шаклига дахлдор бўлганлиги туфайли юкоридаги сўз ўзгартиришни морфологик трансформация атамаси билан номлаш шу ҳодисанинг моҳиятини тўғрироқ ифодалайди.

Морфологик трансформацияда трансформацияларни ҳосил қилувчи трансформанд сифатида лексема, тўғрироғи, лексик морфема бўлиб хизмат қилади.

Трансформандларни бундай шароитда лексик морфема дейилишининг сабаби синтагматик муносабатдир. Синтагматик муносабат талаби синтагматик муносабатга киришувчиларнинг тенг қимматли, яъни бир сатҳга мансуб бўлишдир. Бунга мувофик икки сатҳ бирлиги ҳар қачон бир бутун таркибида синтагматик муносабатга киришмайди.

Сўз шакл таркибида трансформанд сифатида келаётган лексема шакл ясовчи морфемалар билан муносабатга киришар экан, демак, бу икки қисм тенг қимматли хусусиятга эга бўлади.

Иккинчи қисм, яъни трансформация аператори морфема мақомига эга бўлганлиги сабабли трансформанд ҳам морфема саналади. Лекин шакл ясовчи ва сўз ясовчилар синсемантиклик хусусиятига эга бўлиб, кўмакчи морфемаларнинг синтетик шакллари гуруҳини ташкил этса, трансформанд автосемантиклик хусусиятига эга.

Агар лексеманинг туб ва ясама турларини ибораси билан белгиласак, шу белги барча трансформалар учун операнд вазифасини бажаради.

Шакл ясовчи морфемаларни Мш ишораси билан белгиласак, сўз шакл деб юритилувчи трансформаларни қуйидаги қолип орқали ифодаланади.

- Аввало, Мшларни V/ га таъсири нуқтаи назаридан икки гуруҳга бўлиб олиш мақсадга мувофик кўринади: Мл нинг методикасига қўшимча метод юклайдиган Мш лар. Мл ни сўз сифатида шакллантириб, уни бошқа сўзларга боғлаб келиш учун хизмат қилувчи Мшлар. Уларнинг биринчиси учун Мшл, иккинчиси учун маркерланиш-маркерланмаслик белгисидан қатъий назар бир хил мақомга эга.

Яъни китоб+01 китоб+лар Г

Квантитативлик методси асосида бир парадигмани ташкил қилади. Парадигманинг биринчи аъзоси birlik методсини ифодалайди. Бу метод нол

шакл билан ифодаланган. А.А.Потебня ва Т.П.Ломтевнинг эътироф этишларича, нол шакл ҳам сўзнинг бир шаклидир. У етакчи морфемага қўшилиб, морфемани сўз сифатида шакллантиради. Шу билан бирга бирлик квантитатив методсини ифодаловчи нол шакл кўплик методсини ифодаловчи -лар билан бир парадигмани ташкил қилар экан, улар бир-бири билан синтагматик муносабатга киришмайди, балки биринчиси қайси асосга, операндга қўшилса, иккинчиси ҳам худди шу асосга қўшилади. Шундай экан, юкорида кўрсатилган китоб+о ва китоб+лар зидланишда хар икки аъзо китоб- асосидан ҳосил бўлгандир.

Агар бу тузилишга трансформацион тузилиш нуқтаи назаридан ёндошилса, китоб+о ҳам китоб+лар ҳам бир умумий китоб операндининг икки трансформалари саналади.

Эркалаш шаклли трансформа

Луғавий шаклларининг яна бири эркалаш шаклидир. Трансформация операнди бўлган №га эркалаш методсини юкловчи луғавий шакл ясовчи морфема қўшилиши билан эркалаш шаклли морфологик трансформация ҳосил бўлади. Бундай трансформацияни ад+м қолипи орқали ифодалаш

Бу қолипнинг Э компонента сифатида -дон, -жон, -ой,-(а)лоц, баъзан -гина(-цина) қўшимчалари қўлланилади. Улардан -гина (- цина) қўшимчасининг таъкид чегаралаш семаси марказий сема бўлса, субъектив муносабат ифодалаш семаси чегара, маргинал, фақўльтатив сема ҳисобланади. Бу қўшимчанинг чегара семасининг вокеланиш ҳолатини эътиборга олган айрим муаллифлар уни субъектив баҳо шакли гуруҳига киритишлари мумкин.

Акад. А.Хожиев бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Ўзбек тили грамматикасидан дарслик ва қўлланмаларда от ва сифатларнинг укагинам, __болагинам, юмшощина типигаги -гина(-кина, -щина) аффиксли қўлланиши шу сўз туркумларининг «модал формаси» ёки «субъектив баҳо формаси» деб таърифланади... Бу ишларнинг ҳаммасида -гина омоним-аффикс сифатида берилади, яъни:

1) модал форма(субъектив баҳо формаси) ясовчи аффикс,

2) таъкид, чегаралаш ифодаловчи юклама-аффикс деб таърифланади.

Бунинг исботи сифатида, биринчидангина ифодалайдиган кучайтирув, чегаралаш методси билан унинг субъектининг турли муносабатини ифодалаши бошқа-бошқа ходисалар экани кўрсатилса, июсинчидан, бу методларни ифодалашдагина нинг сўзга қўшилиш тартиби ҳар хил бўлиши кўрсатилади укамгина-укагинам, цизимгина-цизгинам каби»[17.94].

У бу фикрларга танкидий муносабатда бўлган ҳамда, кўрсатилган фактларгина элементининг ҳозирги узбек тилида ҳам юклама, ҳам от ва сифатнинг субъектив баҳо шаклини ясовчи аффикс деб ҳисобланиш учуй асос бўла олмаслигини таъкидлайди.

Муаллифнинг таъкидлашича, ҳар бир сўз туркуми ўзига хос шакл ясашиш системасига, ўзига хос шакл ясовчиларга эга. Сўз туркумлари бўйича умумий тарзда шакл ясовчилар йук. Сўз туркумлариаро умумий тарзда қўлланиш юкламаларга хос хусусият саналади. Шу қонуният асосида ёндошилганда ҳам субъектив баҳо ёки модал метод ифодаловчигина элементини шакл ясовчи қўшимча деб бўлмайди.

Акад. А.Ҳожиёв тўғри кўрсатганидек, -гина элемента таъкид-чегаралаш методсини ифодаламаган ҳолларда бир умумий хусусиятга эга бўлади, яъни нарсаси, белгиси кабиларга субъектив муносабатни билдиради. Ана шу субъектив муносабат асосида - гина элемента қўшилайдиган сўзнинг хусусияти ва бошқа факторлар таъсирида эркалаш, кучайтириш, сусайтириш каби методлар реаллашуви мумкин.

Муаллифнинг баён қилишича, таъкид, чегаралаш ифодаламаган -гина элемента кичрайтиш билдирмайди, белгининг у ёки бу тарздаги аниқ даражасини ҳам кўрсатмайди, балки субъектив муносабат ифодалайди, ҳолос. Бу ҳол -гина субъектив баҳо шаклини ясайди дейишга асос бўла олмайди. Чунки умумий тарздаги субъектив муносабат ифодалаш сўз шаклига эмас, балки кўпроқ юкламаларга хос хусусиятдир[18.84].

У -гина элементининг омоаффикс эканлигини рад қилади. Олимнинг фикрича, -гина элемента ифодаладиган айириш- чегаралаш, таъкид ва субъектив баҳо методлари ўртасида маълум боғланиш бор. Бу элементнинг айириш-чегаралаш методси билан бошқа методлари ўртасида алоқа узилган тақдирда ҳам, ҳозирги ўзбек тилидаги -гина ҳам юклама, ҳам шакл ясовчи аффикс дейишга асос йуқ. Чунки -гина элементининг айириш-чегаралаш методсидан бошқа метод, яъни субъектив муносабат ифодалаш барча сўз туркумлари доирасида умумий ҳолат. Ана шу асосида муаллиф субъектив муносабат ифодаловчи восита сифатида ҳам - гина юкламадан бошқа нарса бўла олмайди.

Бизнинг фикримизча, болагинам, дундицгинам сингари сўзлар таркибида -гина қўшимчасининг эгалик шаклидан олдин келиши ва сўз урғусининг -гина қўшимчасининг охириги унлисига тушиши унинг сўзнинг таркибий қисмига айланганини, проклитика ходисасининг йуқолганини кўрсатади. Юкламалар эса бу ходисани ўзида сакдаб қолади. Шу билан бирга юкоридаги сўзлар таркибидаги -гина(-цина, -кина) қўшимчасининг ўзи қўшилаётган асос ифодалаган денотатив методга сўзловчининг субъектив муносабати, яъни эркалаш муносабатини ифодалаш фаоллашган кўринади.

Ана шу ҳолатни эътиборга олиб, -гина қўшимчасини фақўльтатив эркалаш методсини ифодаловчи шакл сифатида баҳолаш мумкин.

Юкорида кўрсатилган -хон, -ой, -жон,-(а)лоц қўшимчаларидан иккинчиси учун жинс белгиси барқарор белги бўлса, биринчи ва учинчиси учун бу белги баъзи ҳудудларда нейтраллашади [17.94].

Хар қандай лексема эркалаш шаклига эга бўлиши шарт эмас. Демак, эркалаш шаклли трансформа эркалаш шаклсиз трансформа билан приватив оппозицияда бўлади. Белгисиз шаклда эркалаш семаси йўқлиги, белгили шаклда эса бу семанинг мавжудлиги билан характерланади.

Синтактик трансформация

Юкорида таъкидланганидек, синтактик трансформация деганда муайян синтактик бирликнинг моҳиятига таъсир этмаган ҳолда турли хил

ўзгаришларини тушунамиз. Мана шу ўзгаришга учраган синтактик кўринишлари трансформалар саналади.

Трансформалар хакида гап кетганда, ниманинг тронсформалари эканлигини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Шу кунгача трансформация юзасидан қилинган тадқиқотларда бу масала юзасидан турли-туман фикр юритилади. Америка трансформация тилшунослигида ҳам бу муаммо аниқ ечимини топмаган. Трансформация турлари сифатида санаб утилган аддиция турида содда йигик гапнинг турли иккинчи даражали бўлақлар, уюшиқ ва ажратилган бўлақлар, ундалма киришлар билан кенгайиши тушунилса, четлаштириш трансформациясида (трансформация вычитания) ёйик гаплар таркибидаги гапларнинг аъзоларнинг синтактик бирликнинг гап белгиси йуқолгунга қадар, тушириб қолдирилиши хакида фикр юритилади. Биринчиси энг кичик гапнинг кенгайган шакллари ифодаласа, иккинчи турдаги трансформалар кенгайган гапнинг йигик гапга айлантририлишини ифодалайди.

Трансформациянинг бу икки тури икки хил таянч нуқтага икки хил операндга суюнади. Биринчисида операнд сифатида гап шакли эътироф этилса, иккинчи турида гапнинг кенгайган шакли тан олинади.

Шу фикрнинг узидаёқ трансформацион грамматикада операнд масаласи хали тула ечимини топмаганлигидан гувоҳдиқ беради.

Биз ушбу тадқиқотда гапнинг энг кичик қолипни операнд сифатида қабул қиламиз. Бунга мувофик, ана шу кичик қолип асосида шаклланган барча кўринишлари унинг трансформалари ҳдсобланади.

Гапнинг энг кичик қолипни Рт ишораси орқали ифодалаш мумкин. Бунда **Р** белгиси предикатен, ш белгиси эса предикатлик методси ифодаловчи шакллардир. Бу қолип предикатифлик методси ва шаклига эга бўлган ҳар қандай предикат энг кичик гап ҳисобланади деган гоёни узида намоён қилади. Агар гапнинг энг кичик қолипни Рт сифатида эътироф этсак, шу қолип доирасида турли хил конструктив - синтактик

қолипларининг ва бу қолиплар реал жумлапарининг ҳосил бўлишини унинг трансформалари ҳисоблаш мумкин бўлади.

У ҳолда Рт нинг валентлиги билан кенгайиши натижасида вужудга келган гапнинг Рт қолипи, тулдирувчи билан кенгайган ТРт ёки қолип, ҳол билан кенгайган Рш қолипи ҳар уч аъзо (эга, тулдирувчи, ҳол) нинг аниқловчи билан кенгайишини ифодаловчи (а)Б (а)Т (а)Х Рт қолипи. ундалмалар билан кенгайган УТ)ТХРт қолипи, кириш киритмалар билан кенгайган МБТХРш қолиплари ва бу қолиплар асосида майдонга келган конкрет жумлалар Рт нинг турли трансформалари ҳисобланади.

Бундан ташқари гапнинг коммуникатив (актуал) нуқтаи назардан ўзгаришини ифодаловчи мантиқий урғу, бўлақларнинг жойлашиш тартиби асосида майдонга келган трансформалар айрим бўлақларнинг бирдан ортик қўлланиши натижасида ҳосил бўлса трансформалар гапнинг ифода мақсадига кўра пайдо бўлган трансформалар эмоционалликка кўра вужудга келган трансформалар ҳам мавжуд. Шунини таъкидлаш жоизки, бу трансформаларнинг барчаси марказида Рт туради ва барча трансформалар шу марказ атрофида айланади.

Биз трансформация жараёнини қолиплаштиришнинг В. Киров тавсия этган ва ҳозирги кунда қолиплаштириш юзасидан олиб борилган купгина ишларда маъқул топилган уч босқичлигини эътироф этамиз. Улардан биринчи босқич кузатишда берилган ва сезги аъзоларимизга таъсир қилувчи реал жумлалар, яъни нутқий ҳосилаларни кузатиш. Иккинчи босқич эса ана шу реал жумлаларнинг умумлашган андозаларини ҳосил қилиш. Учинчи босқич эса иккинчи босқичда ҳосил қилинган қолиплардан гапнинг марказий, асосий белгиларини саклаб қолувчи узвни саклаб, қолганларини четлаштириш йули билан гапнинг энг кичик қолипни ҳосил қилиш. Бу тадқиқотнинг индукция йули, бевосита кузатишдан абстракциялаштириш йулидир.

- Тадқиқотда биз дедуктив йулга таянамиз. Чунки системавий - структур тадқиқотларнинг асосий таянч нуқтаси трансцендент бирликлардан

қолип қилинган имманент бирликларини ўрганишдир. Имманент бирликлар ва уларнинг воқеланиш шакллари ўрганиш уларни тил ва нутқ зидланишида тадқиқ этишни таказо этади. Ана шуни эътиборга олиб, гапнинг энг кичик қолиpidан шу қолип асосидаги конструктив - синтактик қолипларни ҳосил қилиш ва бу қолипларнинг нутқий воқеланишни тадқиқ этиш йулидан борилди. Булардан биринчи ва иккинчи босқичга ҳос умумлашмалар, яъни қолиплар тафаккур ҳосиласи бўлиб когнитемалар ҳисобланади.

Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб тилшунослик ҳам когнитив фанлар таркибида ўрганила бошланди.

Профессор А.Нурмонов ва Д.Ганиеваларнинг таъкидлашларича, сунъий интеллект назарияси ва унинг концептуал базаси бўлган когнитив фан узининг катта бурилиш даврига кутарилди. Натижада янги назарий манбааларни кидириш эҳтиёжи вужудга келди. Ана шундай манбалардан бири инсоннинг билиши, тафаккур ва тили табиатига янгича ёндашувни намоён этувчи феноменология герменевтикадир [17.94].

Юкоридаги муаллифлар тугри кўрсатганидек, бугунги кунда когнитив фанлар олга сўрган борликни ментал гавдалантириш гоёси билан герменевтика гоёлари куп жихатдан уйгун яшамокда. Сизги аъзоларимизга берилган борлик. узвларини ментал, яъни фикрий ҳосила (ментал концепт) эканлигини эътироф этиш.

2.2. Бевосита иштирокчиларга ажратиш методи.

Тилнинг синтактик ярусини анализ қилишда дескрептив лингвистикадаги бевосита иштирокчиларга ажратиш метод кенг қўланилади. Узлуксиз ёки бевосита боғланган иккита синтактик, лексик ёки морфологик бирлик бевосита иштирокчилар (БИ) деб аталади. Бу иштирокчиларни топиш процесси бевосита иштирокчиларни аниқлаш анализи дейилади.

Бевосита иштирокчиларга ажратиш анализи асосан юқори ярусдаги синтактик бирликлардан бошланиб, пастга қараб давом эттирилади.

